Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 99 (20. 666) • 1990 йил 29 апрель, якшанба • Баҳоси 3 тийин.

ДОҲИЙГА ҲАЙКАЛ

● Бахмал районидаги 1-ўрта мактабда ўзига хос тантанали маросим бўлди. Бу ерда доҳий В. И. Ленининг бронза бюсти ўрнатилди. Хайрли ишга «Усмат» кооперативи ҳомийлик қилди. Мактабга доҳий номи берилганига 40 йил бўлди. В. И. Ленин таваллудининг 120 йиллигига бағишлаб ўрнатилган бюстнинг очилиш маросимида район партия, совет ва хўжалик раҳбарлари, ветеранлар кенгашининг вакиллари иштирок этдилар.

Г. АЛМАТОВ.

ҚАСАМЁД ҚИЛДИЛАР

Бир вақтнинг ўзида ҳам тантанали, ҳам амалий бўлган бу маросим бизда биринчи марта ўтди. Энди у фақат ўн йилдан кейин такрорланади. Ушбу маросим қайта қуришнинг бугунги куни ва айни вақтда тарихий ҳужжатдир. 27 апрель куни Кремлда СССР Олий Советининг Раиси А. И. Лукьянов СССР Конституцион назорат комитетига сайланган кишиларни «СССРда конституцион назорат тўғрисида» қонунининг 7-моддасига мувофиқ қасамёд қилдирди.

«Менинг зиммамга юклатилган СССР Конституцион назорат комитети аъзоси вазифасини виждонан бажаришга тантанали қасамёд қиламан, бунда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Конституциясининг барча қоидаларига ва фақат шуларга бўйсунаман» Комитет раиси С. С. Алексеев биринчи бўлиб қасамёд қилди ва унга имзо чекди. Комитет раисининг ўринбосари Б. М. Лазарев, комитет аъзолари А. М. Абрамович, А. Аъзамхўжаев, М. Аннанепесев, С. С. Босхолов, Ф. Г. Бурчак, А. Г. Биков, Р. И. Иванова, Г. З. Инцкирвели, Л. М. Карапетян, С. А. Мирзоев, И. Ш. Муқсинов, М. И. Пискотин, А. И. Смокина, В. К. Собакин, Г. К. Толстой, Р. Турғунбеков, О. Усмонов, В. Д. Филимонов, Ш. Ш. Ягудин худди шундай қасамёд қилдилар ва қасамёд матнига қўл қўйдилар.

А. И. Лукьянов СССР Конституцион назорат комитетига сайланганларга муваффақиятлар тилаб, шундай деди:

— Мен сизнинг қасамёдингизни ўз имзом билан тасдиқлайман ва шундай қилиб, ушбу вақтдан бошлаб Сиз СССР халқ депутатлари Съезди ва Олий Совет сизга топширган давлат вазифаларини бажаришга киришасиз.

СССР Олий Советининг Раиси сайланганларни самимий табриклаб ва уларга муваффақият тилар экан, Конституцион назорат комитетига мамлакатда қонун ва ҳуқуқни мустаҳкамлаш ва унга риоя этиш билан, совет ҳуқуқий давлати шаклланиши билан бевосита боғлиқ ниҳоятда муҳим вазифа ишониб топширилганини таъкидлади.

СССР Конституцион назорат комитети таркибида кўпчилик иттифоқдош республикаларнинг вакиллари, атоқли совет ҳуқуқшуносларини, Қонунга қатъий содиқ кишилар бор, деди А. И. Лукьянов. Ў комитет ўзининг олий даражадаги ва масъулиятли вазифасини муваффақиятли уддалашига ишонч билдирди.

С. С. Алексеев мамлакат депутатлар корпусини, бутун совет ҳалқини СССР конституцион назорат комитетига кирган ҳар бир киши ўз бурчини ҳалол, виждонан, мардлик билан ва граждан часига бажаради, ҳақиқат, инсонпарвар, демократик социализм йўлидан боради, деб ишонтирди.

Шу куни СССР Конституцион назорат комитети ўз вазифасини бажаришга киришди.

(ТАСС).

УРАЛ: ПУХТАЛИК ВА УМИДЛАР

М. С. Горбачевнинг 1990 йил 26 апрелда Свердловск области меҳнаткашлари билан учрашувда сўзлаган нутқи

Уралга, фақат Уралнинг ва Россия Федерациясининг эмас, бутун мамлакатнинг энг йирик саноат, сиёсат, маданият ва илмий маркази бўлган Свердловск областига сафар қилиш мен учун амалий, сиёсий ва ҳатто инсоний жиҳатдан жуда қизиқарлидир. Совет давлати раҳбариятида Урал муаммоларини яхши тушунишади, деб сизларни ишонтиришим лозим.

Икки нарса мени барча ишларни четга суриб қўйиб, Свердловскка келиш ва сизлар билан учрашишга уч кун вақт топишга ундади. Кўп йиллар давомида таркиб топган ва ҳозир — турмуш, иқтисодиёт, сиёсат ва ижтимоий соҳанинг бир шаклидан иккинчисига ўтиш билан боғлиқ бурилиш босқичида кескин тус олган вазиятдан уралликларнинг ташвишланаётганликлари ҳақидаги хабар бизга ҳам етиб бормоқда. Бундан ташқари биз қайта қуришнинг янги жиддий бурилиш қиладиган маррасига етиб келдик.

Шу вақтгача қилинган ишларнинг ҳаммаси жуда муҳим, аҳамиятли. Сиз билан биз ҳозир 1985 йил апрелида қайта қуриш сиёсатида дастлабки қадамлар қўйилган мамлакатга нисбатан бошқача мамлакатда яшамоқдамиз. Мамлакат олдин қандай бўлса, энди ундай бўлмайди — мен бунга ишонаман ва сизлар ҳам фикримга қўшиласизлар, деб ўйлайман. Ижтимоий турмушнинг шакллари ҳам, барча жараёнларнинг ривожланиши ҳам аввалгидек бўлмайди. Ишончим комилки, энди халқ аввалгидек яшашга рози бўлмайди. Биз йўлни танлаб олдик.

Жамиятда йиғилиб қолган саволларга жавобларни жамиятнинг ривожланиши ва янгиланиши йўлида, инсон ўзини яхши ҳис этиши, эркин нафас олиши учун, ҳамма нарса ҳақида фаол фикр юритиб, иштирок этиб ўзининг ҳақлигини исботлаб бериши, шунингдек, бошқаларни тинглаши учун демократиялаш жараёнларини авж олдириш, жамиятдаги бутун муҳитни соғломлаштириш асосида социалистик қадриятлардан қидириш керак.

Ҳозирги пайтдаги энг асосий нарса — одамларимиз ана шуни тушуниб етаётганлигидир. Ижтимоий онгнинг ривожланиши, барча қайта қуриш жараёнларини авж олдириш айниқса XIX партия конференцияси ва СССР халқ депутатлари биринчи Съездидан кейин тезлашиб кетди.

Жамият тезда сиёсатга қўшила бошлади. Демократиянинг шакллари, ошкоралик, турли ҳаракатлар орқали партияга, давлат структурасига жамият шундай тазйиқ ўтказа бошладики, бу тазйиқ қайта қуриш йўлидан қатъият билан боришга ундамоқда. Тўғри, кечикишлар ҳам, нуқсонлар ҳам, ҳатто хатолар ҳам бўлди. Лекин бу бошқасига алмаштириб бўлмайдиган босқич эди. Эслаб кўринг, хўжалик ҳисоби нима эканлигини фақат Суми заводи ва АвтоВАЗ тажрибасида ўрганар эдик. Кейин эса пудрат, ижара, кооператив нима эканлигини синаб кўра бошладик. Жуда кўп қийин, ноаниқ муаммолар вужудга келди. Билмасанг, бошламаслик керак эди, дейишмоқда. Агар бошламаганимизда ҳозир ҳам ҳаракатсиз ўтираверган бўлардик.

Ҳеч бўлмаса, бир-икки корхонада, кейин уч-беш министрликда бошлаш лозим эди. Аввалига саноатнинг ярми, ҳозир эса ҳаммаси хўжалик ҳисобига ўтди. Эски структуралар ислоҳотга тўсқинлик қилаётганлигини кўрдик ва шу боисдан буйруқбозлик системасини синдириб, йўлимиздан олиб ташлаш учун сиёсий ислоҳот ўтказа бошладик. Демократия жараёнлари мунозараларга йўл очиб берди, одамлар фикрини жўш урдирди. Ҳозир Ер, Мулкчилик, Ижара тўғрисидаги ва бошқа қонунлар қабул қилингач, янги вазият вужудга келди. Ислоҳот йўлида қатъий қадамлар қўйиш пайти келди, бинобарин иш муваффақиятли бориши учун барча регионлардаги меҳнаткашлар билан доимий маслаҳатлашув ва мулоқотлар зарур.

Ҳузурингизга келганлигимнинг сабаби аввало шунда. Худди шу ерга келганимдан мамнунман. Уралликлар, свердловскликлар — билимдон, жиддий халқ, гражданлик позицияларига содиқ. Кеча ва бугун жуда фойдали суҳбатлар бўлиб ўтди. Уралмашчилар бозор шароитида қандай яшаш тўғрисида асосли мулоҳаза юритмоқдалар. Улар қатъий равишда бозор иқтисодиётига ўтиш тарафдоридирлар. Шу билан бир вақтда улар кўплаб масалаларни қўйишдики, уларни марказда чуқур ва жиддий ўйлаб кўриш керак.

Уралликлар ҳамма нарсага соғлом позициядан ёндашяптилар, мен учун шуниси муҳим. Бу ердаги одамлар мамлакат раҳбариятига, айниқса, иқтисодиётни ислоҳ қилиш билан боғлиқ раҳбарларга талаблар қўйиб, тайёрга айёрлик билан эмас, балки амалий ёндашмоқдалар. Иш фақат ноз-неъматларни қайтадан тақсимлашда эмаслигини (бу ҳам масаланинг адолатли қўйилиши бўлса-да) тушунадилар — Урал мамлакатга кўп нарса етказиб бермоқда ва мамлакат ҳам шунга яраша жавоб қилиши лозим. Аммо уралликларнинг: ташаббус учун бизга кенгроқ имконият беринг, мамлакат ичкарисида омилкорлик учун ва чет элга чиқиш учун кенгроқ имконият беринг, деган гаплари маъқул бўлмоқда. Биз масъулиятни ўз зиммамизга олиб, бу ерда йиғилиб қолган кўп масалаларни ҳал қилишга тайёрмиз.

Урал ҳақида ўйлаганимизда Ватанимиз тарихини, бу ўлканинг, шу ерда яшаган ва ижод қилган ва ҳозир ҳам меҳнат қилаётган, аждодларининг ишларини давом эттираётган одамларнинг ҳиссасини эслаймиз, албатта. Ҳақиқатан ҳам Урал индустриал, иқтисодий қудрати, шунингдек илмий ва мудофаа имкониятлари нуқтаи назаридан мамлакатнинг таянч ўлкасидир. Лекин шундай бўлдики, баъзан вазият тақозоси билан, баъзан эса тушуниб етмаслик ёки инвестиция сиёсатидаги бузилишлар, регион тараққиёти стратегиясини нотўғри танлаш оқибатида бутун мамлакат вазифаларини ҳал қилиш учун Уралдан кўп нарса олинди. Ғалабага, уруш вайрон қилган хўжаликни тиклашга, дунёда кучлар тенглиги муаммосини ҳал қилишга, ғалабанинг тарихий натижаларини совет халқи учун сақлаб қолишга уралликлар, свердловскликлар қўшган ҳисса жуда катта.

Шуларни эслатиб, ветеранларга миннатдорчилик сўзларига қўшиламан. Биз уларни самимий табриклаймиз. Улар ҳозир шу ерда бўлишга, биз муҳокама этиб, ҳал қилмоқчи бўлаётган муаммолар ҳақида биргалашиб ўйлашга ҳақлидирлар. Бу — уларнинг ери, меҳнати, қони ва пешона теридир. Бу — уларнинг турмушидир.

Тан олиш керак: Урал районини ривожлантиришда жиддий хатоларга йўл қўйилди. Бу ерда мудофаа саноати, оғир саноат ва химия саноати мужассамлашган, бу эса экология вазиятига таъсир қилмоқда. Аммо энг муҳими ижтимоий соҳадаги номутаносибликлар ва бузилишлардир. Уралликлар Марказнинг ҳамда ўзларининг умумий куч-ғайратлари билан аҳволни қандай қилиб ўнглаб олишлари ҳақида ўйлаш керак. Менимча, энг муҳими, сизлар ишни авж олдиришларингиз учун кўпроқ имконият беришдир.

Биз ғоят муҳим қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш босқичида турибмиз. Иқтисодий ислоҳотни жадаллаштириш, кескин чора-тадбирлар кўриш, бозор системасига ўтиш нимадан иборат эканлиги тўғрисидаги масала кўпчиликни ташвишлантираётганлигини сезиб турибман. Одамлар ҳамма нарсанинг аниқ-равшан бўлишини хоҳлайдилар. Бунинг устига матбуот ҳозирнинг ўзидаёқ ҳукуматда, Президент кенгашида узил-кесил қарор қабул қилинишини кутмай, бу хусусда анчагина хавотирлик уйғотди.

Биз бу вазифани ҳал этишга бирмунча кечикиброқ тўпланганлигимизни айтишим керак. Кейинги уч-тўрт ой давомида иқтисодиётни соғломлаштиришга оид ҳукумат программаси тасдиқланганидан кейин, бу ҳақда Н. И. Рижков маълум қилган эди, жараёнлар қандай кечаётганлигини кўрдик ва салбий ҳолатлар пасаймай, балки, аксинча кучаяётганлигини сездик. Кутиш мумкин эмас. 1992-1993 йиллар учун мўлжалланган барча режаларни ҳозирнинг ўзидаёқ амалга ошира бошлаш керак. Шу йилнинг ўзидаёқ нималарнидир амалга ошириб, бозор системасига ўтишга оид асосий ишларни келгуси йилда бажаришга киришиш лозим.

Бироқ бу баъзи оммавий ахборот воситалари жамиятда тарқатган «саросималиқ» бўлмайди. Ҳамма нарса ўз ҳолига ташлаб қўйилади: гўё нарх-навони бозорнинг ўзи белгилайди, ҳамма нарсани жой-жойига қўяди, ҳамма нарсани ажрим қилади, деб ўйламаслик зарур. Бундай ўйлаш умуман кулгили. Зотан, Польшада ҳам гарчи иқтисодиётни мустаҳкамлашнинг қалтис усуллари қўлланаётган бўлса-да, бундай қилинаётгани йўқ.

Муаммолари мураккаб ва улкан кўламли давлатимиз сингари давлатда биз бундай қила олмайдик. Шунинг учун таклифлар молиявий, истеъмол бозорини соғломлаштиришни ва айни пайтда корхоналарнинг хўжалик мустақиллиги учун шароит яратишни ҳисобга олиб тайёрланмоқда, бозорнинг барча воситаларига, таллуқли қарорлар — банклар, солиқлар ва кредит системаси ва албатта улгуржи, чакана, харид нархлари тўғрисидаги, ҳукмронликка қарши қонунлар ҳақидаги қарорлар мажмуасини қабул қилиш мўлжалланмоқда. Буларнинг ҳаммаси пухта ўйланиб, босқичма-босқич тақсимланади, энг муҳими эса, биз қайсидир усулларга тўхталганимизда, уларни меҳнат коллективларида, регионларда муҳокама қилиш учун жамоатчиликка тақдим этамиз.

Одамлар ташаббусини ҳаракатга келтирадиган воситалар зарур ва шундай қилинганда техникавий имкониятлар излана бошлайди, фан-техника тараққиёти механизми қотиб қолган нуқтадан кўчади. Биз одамларнинг ташаббусини, техника тараққиётини тезлаштиришни, юксак иқтисодий натижалар таъминланишини, демак ижтимоий муаммоларни ҳал этиш учун янги-янги имкониятларни вужудга келтиришни истаймиз. Энг муҳими эса одам бозор учун эмас, балки бозор одам учун хизмат қилади. Диққат эътиборимизда одамлар манфаати бўлганлиги учун кам таъминланган табақалар — пенсионерлар, кам ҳақ оладиган кишилар, студентлар ва бошқалар — ҳимояланиши лозим.

Биз энг муҳим молларни, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотларини назорат қилиб туришимиз зарур. Бу эса айни ижтимоий ҳимояланиш, зарарнинг ўрнини тўлдириш ва шу сингари воситаларни ўз ичига оладиган давлат бошқаруви системаси бўлади. Биз буларнинг ҳаммасини ғоят масъулият билан ҳал этишимиз керак.

Конверсия — регионингизда долзарб муаммодир. Мен мудофаа заводида машинасозлар билан бўлиб ўтган учрашувда буни айниқса ўткир ҳис этдим. Бу ажойиб корхонадир. Уральск районида яхши қудратга, билимдон ишчилар синфи, тажрибали конструктор ва инженер кадрларга, каттагина фондларга эга бўлган мудофаа корхоналари анчагина. Биз ўзимизнинг мана шу миллий бойлигимизни ғоят оқилона тасарруф этишимиз керак. Чунки бундай коллективлар технология даражаси жиҳатидан бошқа коллективларга нисбатан камида ўн йил олдиндадир. Биз ушбу масалалар билан шуғулланган дастлабки босқичда бир қанча нуқсонларга йўл қўйдик, деб ўйлайман. Ишни пухта ўйламай ҳал этиб бўлмайди, мураккаб агрегатлар ва механизмларни яратишда ишнинг кўзини биладиган мутахассисларни идиш-товоқ ишлаб чиқаришга мажбур этиш оқилона иш бўлмайди. Бундай қилсак, тармоқда тўпланган

(Давоми иккинчи бетда).

ИШЧИЛАР СИНФИ БИЛАН «КАТТА КЕНГАШ»

М. С. Горбачевнинг Нижний Тагилда бўлиши

НИЖНИЙ ТАГИЛ, (Свердловск области), 27 апрель. (ТАСС махсус мухбирлари). Бугун металлургларга ва машинасозлар шаҳри Свердловскдан бу ерга келган СССР Президенти, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевни кутиб олди. Президентнинг Ўрта Уралда бўлишининг якунловчи куни кўпдан-кўп мулоқотларга бой бўлди.

Президентнинг Нижний Тагил меҳнат коллективларидаги «катта кенгаши» алоҳида маънога эга. 270 йилча илгари асос солинган кончилар ва металлургларга шаҳри Нижний Тагил ўз «касбини» ўзгартирмади, ҳозирги кунда Урал иқтисодий регионда етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турган кучли саноат комплексига айланди. Айниқса, халқ хўжалигига зарур бўлган мустаҳкам тўсинлар ва кўплаб шунга ўхшаш нарсалар ҳам шу ерда тайёрланади. Тагилликларнинг химияни ривожлантириш, мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашдаги ҳиссалари салмоқли.

Қарийб ярим миллион киши яшайдиган меҳнаткаш шаҳарнинг «амалий қиёфаси» ана шундай. М. С. Горбачев Ф. Э. Дзержинский номли «Уралвагонзавод» ишлаб чиқариш бирлашмасига ташриф буюриб, шаҳар билан таниша бошлади. Бу мамлакатимизда кўп юк ортиладиган темир йўл ярим вагонлари ишлаб чиқарадиган энг катта комплекс ҳисобланади. Мамлакат темир йўлларидаги ҳар уч вагонинг биттасига ушбу бирлашма тамғаси босилган.

Михаил Сергеевичнинг корхона бош майдонида машинасозлар билан бўлган дастлабки учрашувиёқ кейинчалик ишлаб чиқариш цехларида бўлган кўпдан-кўп суҳбатларнинг мазмунини аниқ белгилаб берди: бу суҳбатларда иқтисодиёт ва экология масалалари асосий ўринни эгаллади. Учрашувнинг қувончли онлари ҳам бўлди албатта, уларда давлат бошлиғи бу ерга келгани учун миннатдорчилик билдирилди.

— Президент бўлишим биланоқ сизнинг ҳузурингизга келдим,— дея жилмайди Михаил Сергеевич.

Бироқ шу оннинг ўзида суҳбат амалий тус олди. СССР Президенти машинасозлардан уларнинг ишлари қандай кетаётганлигини сўрайди, чунки мамлакатимиз темир йўллари составини янгилаш тақозо этилмоқда, у замонавий техникага муҳтож. Юк ташиш ҳажми шу нарсага боғлиқ, демак мамлакатнинг меҳнат маромини ҳам, ҳар бир корхонанинг меҳнат маромини ҳам, совет кишиларини озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа моллар билан таъминлаш ҳам ана шунга боғлиқ.

Машинасозлар бир-бирларининг фикрларини тўлдириб, бирлашма оғир кунларни бошидан кечираётганини айтишди. Конверсия мудофаа ишлаб чиқариши ҳажмини қисқартирмоқда, бу яхши. Бироқ, бўшатиб олинаётган қувватлардан тўла самара олиш учун уларни техникавий жиҳатдан қайта жиҳозлаш, халқ хўжалиги учун маҳсулотни кўплаб ишлаб чиқаришга мослаштириш зарур.

Бу жараён, дейишди М. С. Горбачевга унинг бугунги кўпдан-кўп суҳбатдошлари— ишчилар, инженерлар, цехларнинг раҳбарлари, ҳамма ерда ҳам силлиқ бўлмаяпти, кўпинча жуда оғир ўтаяпти. Иш ҳақи камайиб кетмоқда, ишлаб чиқариш ақлли ва моҳир ходимларни йўқотмоқда. Аниқ план йўналишлари йўқлиги, интизомнинг, шу жумладан маҳсулот етказиб бериш интизомининг пасайиши таъсир қилмоқда.

— Ҳа, конверсиядан оқилона фойдаланиш керак, — деди М. С. Горбачев. — Биз конверсияга иқтисодиётни қайта қуришнинг катта резервларидан бири деб, уни бозор негизига ўтказиш деб қараяпмиз. Чунки, мамлакатимиз барпо этиш учун шунча куч, ақл-заковат, маблағ сарфлаган мудофаа комплекси бозорларни моллар билан тўлдиришда сезиларли ёрдам бериши мумкин ва ёрдам берниш керак. Бу ишни аниқ ташкил этиш учун эса давлат конверсия программаси тузилмоқда.

Механика-йиғув цехларидан бирининг ўтиш жойида ёшларнинг бир гуруҳи М. С. Горбачевдан мамлакат раҳбарияти бозор хўжалиги системасига ўтишни қандай тасаввур этаётганлиги, бу андоза ишчилар синфига аниқ-равшан нима бериши тўғрисида батафсилроқ сўзлаб беришни илтимос қилди.

— Энг аввало, — деди Михаил Сергеевич, — у меҳнат коллективларига эркинлик беради, ҳар биримиз ўз ишимизнинг ва албатта ана шу ишимиз натижаларининг ҳақиқий эгалари бўлишимизга имкон беради.

— Бизга бошқа ҳеч нарса керак эмас, — деди ҳамсуҳбатларнинг бири. — Биз давлатдан райимизга қарашни сўраётганимиз йўқ, чунки яхшироқ ишлашга ва яхшироқ пул топишга қодир эканлигимизни ҳис қилаяпмиз. Фақат бу йўлдан ҳалақит бераётган ҳамма нарсалар олиб ташланса эди...

— Худди шунга боряпмиз, — дейди М. С. Горбачев. — бир-биримиздан шикоят қилишнинг нима фойдаси бор, ундан фойда бўлмайди. Ишларни тезлатиш, бутун мамлакатимизда ишларни тартибга солиш керак. Туб иқтисодий ислоҳот тафсилотларига келганда эса, мен Свердловскда таъкидлаганимдек, одамлар билан албатта маслаҳатлашамиз. Дарвоқе, мен ҳозир ҳам шу иш билан бандман.

Корхонадаги бирор суҳбатда иқтисодий муаммолар четда қолмади. Бу муаммолар мамлакатимиз ишчилар синфи учун асосий муаммога айланаётганга ўхшайди. Вагонсозлар Президентга ишончли тарзда таништиришган оддий қаётий воқеалар суҳбатларни кўпинча энг муҳим сиёсий муаммолар ва ечимлар даражасига кўтарди.

Участкаларнинг бирида бир гуруҳ ишчи аёллар М. С. Горбачевга чайқовчилик авжига чиққанлигидан, у меҳнаткашларнинг чўнтагини бутунлай қуритаётганлигидан ҳасрат қилишди. Бундай ҳолларда ҳар доим бўлганидек «тўғаноқ солиш керак», «қатъият билан ҳаракат қилиш керак», «уларга йўл бермаслик керак» қабилидаги маслаҳатлар ва таклифлар жуда кўп бўлди.

— Сиз нима ҳақида айтаётганлигингизни тушунаман, — дейди М. С. Горбачев, — Чайқовчилар, олғирлар, нопок одамлар билан курашиш керак ва биз, хабарингиз, бўлса бундай курашни авж олдиряпмиз. Лекин фақат таққлаш чоралари билангина муваффақиятга эришиб бўлмайдиганга ўхшайди. Энди келинглар, ушбу нохуш ҳодисаларга бошқа томондан, машъум танқисликдан ҳужум бошлаб кўрайлик. Танқисликни иложи борича тезроқ бартараф этиш лозим. Ана ўшанда талонлар ва навбат кутишлар бўлмайди, барча мафиячилар, рэкетчилар, чайқов бозорлари иқтисодиётимизда ҳеч нарса қилаолмайдилар. Шу мақсадда ҳозир иқтисодий усуллар асосида шундай бозорни вужудга келтирияпмизки, у инсонга пешвоз чиқади, унинг оқилона эҳтиёжларини қондира олади, меҳнат қилаётган ҳар бир кишига муносиб ҳаётни таъминлай олади.

Иқтисодий ислоҳотни кучайтириш программаси ҳозир кўпларни ўзига жалб этмоқда, унинг тарафдорлари тез кўпаймоқда. Бироқ белгиланган мақсадлар йўлига бир марта куч-ғайратлар сарфланадиган йўл, биргина сакраш деб қараб бўлмайди. Ҳар томонлама ўйлаб, етти ўлчаб бир кесиб қунт билан ишлаш керак. Фақат шундай ишгина салмоқли ижобий натижалар бера олади.

М. С. Горбачевга енгиллаштирилган металл конструкцияларидан тайёрланган ярим юк вагонини кўрсатдилар. Ажойиб техника, уни қуришда анчагина хом ашё тежаб қолинади.

— Жаҳон бозорида бемалол рақобат қила олади, — деди ярим вагон ҳақида мутахассислардан бири. — Уни долларга сотиш мумкин, бирлашма зиён кўрмасди, валюта ишлаб қоларди.

— Энг аввало ўз мамлакатимиз ҳақида қайғуришимиз керак, — деди М. С. Горбачев. — Енгил-елпи фойда олишдан, иқтисодий худбиликдан яхшилик кутиб бўлмайди. Мана бу аниқ бир мисолни олайлик: бирлашма бундай маҳсулот учун хом ашёни сўмга сотиб олади, фойдани эса доллар билан ҳисоблайди, демак у ўзи ҳақида қайғурган эканда? Йўқ ўртоқлар, ҳаммамизнинг йўлимиз битта — кўпроқ ва яхшироқ маҳсулот ишлаб чиқаришимиз керак, ўшанда ташқи бозорга эҳтиёж қолмайди. Бундай иқтисодий ташаббусни фақат табриклаймиз.

Корхона корпусларидан бирининг олдида сўнгги суҳбат бўлди. Баҳор қуёши чарақлаб турган мовий осмон кўзни қувонтирар, баҳорнинг илк кўкатлари кишига ҳузур бағишларди. Афсуски, бундай оби ҳаво тагилликлар ҳаётида кам учрайди. Шаҳар ҳавосини химия, металлургия ва бошқа корхоналардан чиқаётган ранг-баранг тутун булутлари кўпинча қоплаб олади. Осмоннинг бугунги мовийлиги ҳам табиат табассуми эмас, балки ўзига хос экологик хўжакўрсинчилик бўлиб, баъзи кишилар Президентнинг келишига шаҳарнинг кўринишига оро беришга ҳаракат қилишди. М. С. Горбачевга унинг кўп ҳамсуҳбатдошлари айтиб берганларидек; бундан бир неча кун илгари экология жиҳатидан зарарли ишлаб чиқариш объектларини «мўътадил режимга» ўтказишган экан.

— Ҳатто мен, соғлом одам нафас олишга кўпинча қийналаман, — деди 35 ёшли токарь Евгений Ленда. — Бу менинг икки фарзандимга, Нижний Тагилнинг барча болаларига қандай таъсир қиларкин?

Ўз ҳолига ташлаб қўйилган экология хусусида митингларда мунтазам равишда мунозара қилинаётганлиги тасодиф эмас, деб сўзида давом этди у. Ахир узлуксиз мунозараларга ҳозир вақт сарфлаш мутлақо ўринсиздир. Ишлаш керак, бунинг учун эса тоза ҳаво, сув зарур. Уларсиз тўлаконли ҳаёт бўлмайди. Нижний Тагилда бир неча кунга бунёд этилган экологик «Потемкин қишлоқлари» ҳеч кимни ҳотиржам қилмайди ва алдай олмайди.

(Давоми учинчи бетда).

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг раиси ўртоқ Т. Ҳ. Собитов раислигида ушбу комиссиянинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Марказий сайлов комиссияси шу йил 22 апрель куни 23 та сайлов округида бўлиб ўтган такрорий овоз бериш якунларини кўриб чиқди.

Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларидан олинган протоколларни кўриб чиқиб, сайлов тўғрисидаги Қонуннинг 49-моддасига биноан сайланган барча Ўзбекистон ССР халқ депутатларини рўйхатга олди.

Хоразм область 463 Дружба сайлов округи депутатининг ўрни бўшаб қолганлиги муносабати билан Марказий сайлов комиссияси ушбу округдан халқ депутати сайловини 1990 йил 27 май, якшанба кунига белгилади.

Комиссия мажлислар оралиғидаги даврда гражданлардан тушган хатлар ва аризаларни ҳам кўриб чиқди ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

1990 йил 22 апрелда сайланган Ўзбекистон ССР халқ депутатлари РЎЙХАТИ

Абляев Сервер Абляевич, Гулистон парранда наслчилик репродукторининг директори, КПСС аъзоси, Гулистон шаҳри, Сирдарё областидаги 389-Гулистон сайлов округидан.

Азимов Абдулла, «Ленинизм» совхозининг катта чўпони, Деҳқонобод райони, Қашқадарё областидаги 211-Деҳқонобод сайлов округидан.

Будаев Александр Владимирович, «Чирчиксельмаш» заводининг директори, КПСС аъзоси, Чирчиқ шаҳри, Тошкент областининг 77-Комсомол сайлов округидан.

Бўриев Искандер, йўл ремонт-қурилиш бошқармасининг бошлиғи, КПСС аъзоси, Яккабоғ шаҳри, Қашқадарё областидаги 239-Яккабоғ сайлов округидан.

Волков Игорь Георгиевич, Чкалов номли Тошкент авиасозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, Тошкент шаҳридаги 49-Жуковский сайлов округидан.

Исроилов Келдиёр, давлат суғуртаси область бошқармасининг бошлиғи, КПСС аъзоси, Жомбой шаҳри Самарқанд областидаги 294-Қўнғирот сайлов округидан.

Маҳмонов Мусурмон, область сув хўжалиги бошлиғи, КПСС аъзоси, Пастдарғом райони, Самарқанд областидаги 312-Жума сайлов округидан.

Мусаев Максим Мамадалиевич, Советобод шаҳар ижроия комитетининг раиси, КПСС аъзоси, Советобод шаҳри, Андижон областидаги 161-Советобод сайлов округидан.

Носиров Абдусамад, Ўзбекистон Компартияси Оққўрғон район комитетининг биринчи секретари, КПСС аъзоси, Оққўрғон шаҳри, Тошкент областидаги 82-Алимкент сайлов округидан.

Полвонов Жамолиддин Тўхтасинович, Риштон районлараро 12-қурилиш бошқармасининг бошқарувчиси, КПСС аъзоси, Риштон шаҳри, Фарғона областидаги 434-Бўстон сайлов округидан.

Ражабов Назир Ражабович, Ўзбекистон ССР Давлат қурилиш комитети раисининг биринчи ўринбосари, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, Бухоро областидаги 168-Фурқат сайлов округидан.

Раҳимов Акбархўжа Комилович, «Ўзбекгеология» разведка-қидирув отряди бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, КПСС аъзоси, Тошкент области, Фарғона областидаги 438-Қайнар сайлов округидан.

Раҳмонов Расул Раҳмонович, «Совет Ўзбекистони» газетасининг муҳаррири, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, Қашқадарё областидаги 214-Тўқбой сайлов округидан.

Салимов Эркин Ҳайдарович, Ўзбекистон Компартияси Бухоро шаҳар комитетининг биринчи секретари, КПСС аъзоси, Бухоро шаҳри, Бухоро областидаги 166-Отбозор сайлов округидан.

Сотволдиев Тожиддин, спиртсиз ичимликлар ишлаб чиқариш бирлашмасининг директори, Андижон райони, Андижон областидаги 131-Кунжи сайлов округидан.

Тожибоев Зоҳид, «Наманганга з» область ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошлиғи, КПСС аъзоси, Наманган шаҳри, Наманган областидаги 258-Ўзбекистон сайлов округидан.

Тожибоев Муҳаммадхон Абдужаббарович, «2-Облагропромстрой» бирлашмасининг бошлиғи, КПСС аъзоси, Наманган шаҳри, Наманган областидаги 241-Тўқимачилик сайлов округидан.

Ўтаев Ўрол, Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг бош муҳаррири, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, Қашқадарё областидаги 231-Чироқчи сайлов округидан.

Ҳолбоев Рустам Саданович, халқ истеъмоли моллари фабрикасининг иқтисодчиси, КПСС аъзоси, Мангит шаҳри, Қорақалпоғистон АССРдаги 477-Мангит сайлов округидан.

Худоёров Маҳамаджон Бердибоевич, Янгийўл ёғмой комбинатининг директори, КПСС аъзоси, Янгийўл шаҳри, Тошкент областидаги 79-Янгиҳаёт сайлов округидан.

Шерматов Эшболта, область молия бошқармасининг бошлиғи, КПСС аъзоси, Термиз шаҳри, Сурхондарё областидаги 349-Шўрчи сайлов округидан.

Йўлдошев Раҳимбой, 167-қурилиш трестининг бошқарувчиси, КПСС аъзоси, Урганч шаҳри, Хоразм областидаги 451-Ленинград сайлов округидан.

Ёқубов Дадахон, Ўзбекистон телевидениесининг махсус мухбири, Тошкент шаҳри, Наманган областидаги 249-Чортоқ сайлов округидан.

УРАЛ: ПУХТАЛИК ВА УМИДЛАР

(Давоми. Боши биринчи бетда).

кўп нарсалардан маҳрум бўламиз. Бундай бой тажрибадан граждан соҳаси учун, илм-фан учун, сифатли истеъмол моллари ишлаб чиқариш учун фойдаланиш зарур. Бу саноат комплексини одамлар манфаати билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга йўналтиришнинг катта резервларидан биридир.

2000 йилга бориб уй-жой муаммосини ҳал этиш мумкинми, деган масала кўпчиликни тўлқинлантираётганлигини айниқса ўткир ҳис этдим. Якка тартибда уй-жойлар қуриш ҳақида, ер ажратиб бериш, кредитлар, уй-жой кооперативлари тўғрисида, давлат қурилиш базасини ривожлантириш бундан буён ҳам рағбатлантириладими ёки йўқми, деган саволлар берилди. Мен СССР Президентлик Кенгашига уй-жой қурилиши кўламларини кенгайтириш тўғрисида ҳукуматга янги топшириқ беришни таклиф этмоқчиман. Биз капитал маблағларни тақсимлаш сиёсатини қайта кўриб чиқишимиз, уй-жой қурилиши базасига, бутун қурилиш комплексига яна бир бор қайтишимиз, бу борада кенг маънодаги бозорни очишимиз керак. Кўпгина ишларни одамларнинг ўзлари бажарадилар. Бунинг устига коллективларда пул бор ва улар бир қанча корхоналар, колхозлардаги сингари ёрдам беришлари мумкин.

Кеча мен «Уралмаш» бирлашмасида уй-жойга муҳтож бўлмаган, аммо ўз квартираларини сотиб олишга тайёр ходимлар борми, деган саволни бердим. Ўйлайманки, агар шундай қилсак, уй-жойларимиз ҳам яхшироқ сақланган ва кўпгина оилаларнинг уй-жой муаммоси бирмунча осонроқ ҳал этилган булур эди.

Ишчилар билан бўлиб ўтган суҳбатларда ва бу ерда, учрашувимизда бир неча оор ўртага қўйилган асосий далиллардан бирида таҳминан: биз — уралликлар темирчиларимиз, саноатчимиз, ҳаммага машина ва металл етказиб берамиз, қолганлар эса бизларни боқишсин деган фикр айтилди. Масалани бундай ўртага қўйиш тўғри эмас, ўртоқлар. Давлат уралликларни қўллабқувватлаши лозим, деган кишиларнинг фикрига қўшиламан ва айниқса ҳозирги кескин вазиятда Свердловск, Челябинск шаҳарларига ва Уралнинг бошқа регионларига бир маромда маҳсулот етказиб берилиши зарурлиги (гарчи буига қийинчилик билан эришилаётган бўлсада) тўғрисидаги фикрга қўшиламан ва буни кузатиб турибмиз.

Аммо ҳар бир кишига 0,3 гектар ер тўғри келаётган заминда бундай фикр юритиб бўлмайди. Бу — Ғарбий Европадаги қўпчилик мамлакатлар учун ўртача норма бўлиб, у ерда ўзларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлабгина қолмай, балки ортиқчасини сотишади. Биз эса шундай қудратли индустриал базага эга бўлсакда, қишлоқ хўжалигимиз абгор аҳволдадир.

Шаҳарликларга ер берайлик, токи улар боғдорчилик, полизчилик, томорқа хўжалиги билан шуғуллансинлар. Шундай қилиш бирдан-бир тўғри йўлдир. Бу жойлардаги тупроқ катта имкониятларга эга ва индустриянинг имкониятлари билан биргаликда озиқ-овқат масаласи соҳасида яхши натижаларга эришиш мумкин. Россия ҳукумати яқин вақт ичида гўшт етиштиришни кўпайтиришни режалаштираётган Свердловск шаҳрининг ташаббусини қўллабқувватлади. Аммо мен бу борада шундай савол бердим: сизлар бунинг учун озуқа экинлари ҳосилини кўпайтирасизларми? Ҳукумат ем-хашак билан ёрдам беришга ваъда қилди, деган жавоб олдим. Лекин ўзларингиз ҳам далалар ва ўтлоқлар ҳосилдорлигини оширишингиз керак.

Урал меҳнаткашлари билан учрашувлар чоғида ўртага қўйилган ўткир мавзулардан бири партиядаги ишларнинг аҳволи тўғрисидаги масала бўлди.

Жамиятимизни қайта қуриш, янгилаш, ислоҳ қилиш, муваффақиятга эришиши учун ислоҳ қилинган, янгиланган партия зарур. Бу — ленинча ёндашувдир. Турмуш ўзгаради, жамият бир фазадан бошқа фазага ўтади. Партия фаолиятининг аҳамияти, шакли, усуллари ҳам ўзгаради. Шунинг учун кимдир бизни ревизиячилик ишлари билан шуғулланаётганликда, ўн йиллар давомида большевиклар бунёд этган нарсаларни, барбод этишда айблаётган бўлса, у большевизмни ҳам, ленинизмни ҳам, турмушни ҳам чуқур тушуниб етмаган.

Партия қийин пайтларни бошидан кечирмоқда. Бу тушунарлидир. Сиёсий дастур билан мустаҳкамланган маъмурий-буйруқбозлик системасининг негизи, унинг жон томири эди. Мазкур системанинг ўзи эса муайян босқичларда самара берди, аммо аллақачон ўз имкониятини тўла-тўкис тугатди. Бунинг устига кишанга ўхшаб қолди.

Маъмурий системадан воз кечиш — демак, партияга унинг табиий, дастлабки, Ленин назарда тутган сиёсий авангардлик ролини қайтариш керак. У фақат парламентда ўрин олиш учун курашаётган парламент типидаги партия эмас (зотан, бу «демократик платформа» билан асосий тафовутлардан биридир), балки жамиятнинг авангард кучи бўлган партия бўлиши зарур. Шу боисдан партия ўзини ислоҳ қилар экан, ҳеч қандай соҳадан четлашмайди ва жамиятга ўзининг дастурий мақсадларини таклиф этади, ана шу мақсадларни тарғиб қилади, қайта қуришни олға томон силжитиш учун омма орасида иш олиб боради ва социалистик йўлимизни қўллаб-қувватлайди, жамиятни янгилаш учун кенг йўл очиб беради.

Буйруқбозлик системасида амалга оширилган барча яхши ишлар ҳам, издан чиқарилган фожиали нарсалар ҳам партия билан боғланган. Кимлардир биз партия раҳбарлигида эришган барча нарсаларни йўққа чиқаришни истайди. Гўё 72 йил умуман бўлмагандек, гўё совет кишиларининг бутун-бутун авлодлари яшамагандек, улар ҳеч нарса қилмагандек, мамлакатимиз билан биргаликда қийинчиликларни бошидан кечирмагандек. Ваҳолонки, мамлакатимиз тараққиёти мана шундай улкан вазифаларни ўртага қўйишимизга имкон бермоқда. Биз тўғри сўз бўлишимиз зарур, деб ўйлайман. Биз партия Октябрь йўлидан бориб амалга оширган барча ишларга муносиб баҳо беришимиз ва айни пайтда социалистик жамият сари ҳаракатимизда Ленининг сўнгги умидлари оқланмаганини, унинг васиятлари амалга оширилмаганини тан олишимиз лозим. Кўп нарса шаклини ўзгартирди, бузилди, партиянинг ўзига ҳам зарба берилди. Партиянинг фожиаси мана шундадир. Одамлар ундан ўч олмоқдалар.

Фақат кучли партиягина масалани шундай қўйиши, ўзидан аввалги авлодларнинг кўрсатган жасорати ва тортган азоб-уқубатларидан кўз юммай, ўз ўтмишига партиявий, ҳалол позициялардан баҳо бериши, айни пайтда жамиятни қатъиян ислоҳ қилиш ва партияни янгилаш кераклигини қаттиқ тўриб айтиши мумкин. Ҳозир биз айни шу иш билан бандмиз.

Олдинги усуллардан фойдаланиш шунга олиб келдики, партия барча оператив бошқариш вазифаларини ўз зиммасига олди. Кадрлар ҳам шунга мувофиқ тарбияланди. Бошланғич ташкилотдан Марказий Комитетгача барча партия ташкилотлари шундай иш олиб борди. Ҳозир, Советлар, кучга кириб бораётган, янги вазифалар ва масъулиятни ўз зиммасига олаётган пайтда, бошқа муассасалар, хусусан иқтисодий муассасалар ҳам фаолият кўрсата бошлаган пайтда партия бу жамиятдаги ўз ролини қийинчилик билан изламоқда.

Бу аввало ўз вақтида хўжалик ишларининг аниқ соҳаларига келган кадрлар учун жуда оғир кечувчи жараёндир. Ҳозир янги услуб, янги тафаккур, ҳодисаларга баҳо беришга бошқача ёндашувлар талаб қилинади. Туб қайта қуриш босқичида яна бошқача фикр юритувчиларни таъқиб этиш йўлига ўтишга, душманга қарши кураш усулларидан фойдаланишга даъват этувчиларнинг фикрига мен ҳеч қачон қўшилмайман. Агар биз идиштовоқ дўконига кириб қолган филга ўхшаб ҳаракат қилиб, жамиятни янгилашнинг ин сонпарвар ва олижаноб мақсадлари сари борадиган бўлсак, кулфат юз бериши турган гап. Ахир бизда баъзи бировларнинг қўли қичишяпти. Ставрополь ўлкасини эслайман, совхозлардан бирида бир ойгача ҳар куни ёнғин чиқди. Бутун кучни ёнғин сабабларини топишга сафарбар этишди ва бир кишини аниқлашди. У пичан ғарамларига ўт қўяр, сўнгра бошқаларга қўшилиб ўтни ўчирар ва ўз ишидан хурсанд бўлар эди.

Сиёсатда бундай чоралар керак эмас. Аппаратда масъулиятли, социализм ғоясига содиқ, халққа яқин, қатъий ҳаракат қиладиган одамлар бўлиши керак. Қонун билан белгилаб қўйиладигандан ташқари барча имтиёзларга, ўз мулкига айлантириб олишга чек қўйиш керак. Ҳамма жойда бошбошдоқлик эмас, балки қонун тантана қилмоғи лозим. Мен бу ерда: «Гдлян билан Иванов. Навбатдагиси ким?» деган плакатни кўрдим. Демак, бу одамлар машҳур мавзу Олий Советда муҳокама қилинишидан норози эканлар. Ахир бу мавзу Конституция доирасида муҳокама қилинди. Бу муҳокама суд органлари ва прокуратуранинг юқори идораларига ҳам дахли бўлгани учун, ҳокимият юқори бўғинлари вакиллари жиноятда иштирок этганлиги ҳақида гапирилганлиги учун биз: буни Олий Совет, депутатлар текширсин, чунки бу жуда жиддий гаплар, дедик.

Сизларга маълумки, одамларнинг норозилигидан, муаммоларнинг ҳал этилмаганлигидан ғаразли мақсадларда фойдаланилмоқда. Популизмнинг келиб чиқиш сабаби ҳам шунда. Кўпол қилиб айтганим учун кечирасизлар-у, юқоридаги раҳбарларни ким кучлироқ «саваласа» — ўшани «ўзимизнинг одам» дейишади. Афсуски, буни рағбатлантирувчи кишилар ҳам бор.

Сўнгги ўн йиллар давомида мамлакатни бошқарган одамларни четга чиқариб ташлаш керак, тарзидаги гаплар ҳам бор. Шуни ҳам айтиш лозимки, Инқилоб ҳам ана шундай гаплар билан бошланган эди, лекин бундай қилиш мумкин эмаслигини кейин тушунишди, ҳарбий командирларни ҳам, мутахассисларни ҳам Инқилоб ишига жалб қила бошлашди.

Қонун тантана қилиши керак! Жиноятчи ўз жойини топиши лозим. Уқувсиз одамлар каби сурбетлар ҳам демократия жараёнлари орқали тегишли баҳосини олиши лозим. Акс ҳолда биз ўзимиз бошимиздан кечирган вазиятдан ҳеч қачон чиқа олмайміз. Ҳамиша шундай бўлмаяпти, менинг шанимга айтилган, қонунни бузганларга нисбатан қаттиққўл бўлиш кераклигини эслатувчи мулоҳазалар тўғри. Қонунсизлик эмас, балки демократик ёндашувлар тантана қилиш керак. Одамларнинг гапига кириб, каллани оладиган бўлсак, мамлакатни хароб қиламиз.

Биз танлаб олган йўл қийинроқ, лекин шу йўлдан бориш керак. Мендан: «Штабларга зарба беришга буйруқ беринг» дейишса, мен бундай жавоб қиламан: сизга ҳуқуқий шарт-шароитларни, демократияни бериб қўйдик — ўзингиз ҳал қилаверинг, танлаб олаверинг ва зарур бўлса бўшатаверинг, ўрнига билимдонроқ одамни қўяверинг, муқобил номзодларни кўрсатаверинг, айни сиз ҳақлигингизни исботлаб беринг.

Менимча, ҳозир коммунистлар қарахтлик ҳолатидан, хандақлардан чиқиб ҳаракат қила бошладилар. Шу билан бир зақтда уларнинг орасида ҳафсаласи пир бўлганлар борлигини биламан, уларнинг бир қисми партиядан чиқмоқда. Фойдаси кам тегадиган амал парастлик мулоҳазалари билан партияга кирган одамлар чиқиб кетаётган бўлса, ҳечқиси йўқ. Яхши одамларнинг ҳам партиядан чиқиб кетаётганлиги (бу хусусда ҳам бу ерда хат тушди) ташвишга солмоқда. Менимча, уларнинг гапини диққат билан тинглаш, гап нимадалигини билиб олиш керак. Яхши, ҳалол коммунист учун вақтни аямаслик лозим. Ҳозирги вақтда энг муҳими ана шунда. Биз партиядаги барча соф нарсаларни сақлаб қолишимиз ва зарур қарорлар қабул учун Съездга олиб боришимиз керак.

Делегатларни коммунистларнинг ўзлари бевосита қуйидан сайлайдилар. Бунинг маъноси шуки биз мустақил позицияда турадиган делегатлар корпусига эга бўламиз. Бошқача қилиб айтганда, бу дабдабабозлик ўйинлари эмас, балки партия аъзолари оммасининг ҳокимиятидир. Шу сабабли биз тўғри йўналишдан борямиз. Съездолди кампанияси, мунозаралар орқали ўтамиз, Съездни ҳам ўтказамиз ва ишончим комилки, янги қучга, имкониятларга эга бўламиз. Партия ўзининг сиёсий етакчилик ролини бажаради. Бунинг учун ҳам назарий, ҳам мафкуравий жиҳатдан, айниқса иш услуби ва усулларида, ҳар бир партия бўғинида демократик муҳитни вужудга келтиришда кўп иш қилиш лозим бўлади. Инсон, коммунист ташкилотда ўзини хўжайин деб ҳис этиши муҳимдир.

Яна бир мавзу — ҳозир янги Советлар иш бошламоқда. Марказда ва жойларда сайлов натижаларига билдирилаётган фикрлар, бир хил эмас. Кўпгина Советларнинг дастлабки иш кунлари ўзига хос намойишга, иш тартиби масалалари юзасидан баҳсларга айланиб кетганлиги ташвишга солмоқда. Нима, бу митингларнинг давомими? Биз сайлаб қўйилган кишилар аниқ ишлар билан қачон шуғулланишади?

Ўртоқлар, фожиага айлантириб юбормайлик. Советларга сиёсатда, иш тажрибасида чиниқмаган кўпгина янги одамлар келишди, бинобарин, улар ўз зиммаларига қандай юк тушганлигини ҳали сезиб олишлари керак. Шу билан бирга биз янги ходимлардан янги ғояларни, янги таклифларни кутишга ҳақлимиз.

Менимча сайловчилар халқ Советларининг ишини назорат қилиб бориши, уларга ёрдам бериши ҳамда тўғри, зарур ташаббусларини қўллаб-қувватлаши керак. Келинглар, жипслашиш тўғрисида ўйлайлик, бунинг устига Советлар ҳозир ҳуқуқлар ва нормативларга мувофиқ ажратмалар тарзида катта имкониятларга эга бўлмоқда.

Шу муносабат билан ҳозир танқид қилинаётган совет ходимлари иш ҳақи тўғрисидаги қарорга тўхталиб ўтмоқчиман. Бу ерда ёки институтдаги учрашувда кимдир ана шу қарорни бекор қилишни таклиф этди. Сизларга очиғини айтиб қўяқолай, мен бундай қилмоқчи эмасман, ўртоқлар. Нима учун бундай қилмоқчи эмаслигимни исботлаб бераман.

Биз шундай аҳволга тушиб қолдикки, партия аппаратига, ҳатто биринчи секретарлар лавозимига ҳам у ёки бу регионда чинакам обрўга эга бўлган одамларни ололмай қолдик. Шаҳар партия комитети секретари олаверинг, танлаб олаверинг ва зарур бўлса бўшатаверинг, ўрнига билимдонроқ одамни қўяверинг, муқобил номзодларни кўрсатаверинг, айни сиз ҳақлигингизни исботлаб беринг.

Менимча, ҳозир коммунистлар қарахтлик ҳолатидан, хандақлардан чиқиб ҳаракат қила бошладилар. Шу билан бир зақтда уларнинг орасида ҳафсаласи пир бўлганлар борлигини биламан, уларнинг бир қисми партиядан чиқмоқда. Фойдаси кам тегадиган амал парастлик мулоҳазалари билан партияга кирган одамлар чиқиб кетаётган бўлса, ҳечқиси йўқ. Яхши одамларнинг ҳам партиядан чиқиб кетаётганлиги (бу хусусда ҳам бу ерда хат тушди) ташвишга солмоқда. Менимча, уларнинг гапини диққат билан тинглаш, гап нимадалигини билиб олиш керак. Яхши, ҳалол коммунист учун вақтни аямаслик лозим. Ҳозирги вақтда энг муҳими ана шунда. Биз партиядаги барча соф нарсаларни сақлаб қолишимиз ва зарур қарорлар қабул учун Съездга олиб боришимиз керак.

Делегатларни коммунистларнинг ўзлари бевосита қуйидан сайлайдилар. Бунинг маъноси шуки биз мустақил позицияда турадиган делегатлар корпусига эга бўламиз. Бошқача қилиб айтганда, бу дабдабабозлик ўйинлари эмас, балки партия аъзолари оммасининг ҳокимиятидир. Шу сабабли биз тўғри йўналишдан борямиз. Съездолди кампанияси, мунозаралар орқали ўтамиз, Съездни ҳам ўтказамиз ва ишончим комилки, янги қучга, имкониятларга эга бўламиз. Партия ўзининг сиёсий етакчилик ролини бажаради. Бунинг учун ҳам назарий, ҳам мафкуравий жиҳатдан, айниқса иш услуби ва усулларида, ҳар бир партия бўғинида демократик муҳитни вужудга келтиришда кўп иш қилиш лозим бўлади. Инсон, коммунист ташкилотда ўзини хўжайин деб ҳис этиши муҳимдир.

Яна бир мавзу — ҳозир янги Советлар иш бошламоқда. Марказда ва жойларда сайлов натижаларига билдирилаётган фикрлар, бир хил эмас. Кўпгина Советларнинг дастлабки иш кунлари ўзига хос намойишга, иш тартиби масалалари юзасидан баҳсларга айланиб кетганлиги ташвишга солмоқда. Нима, бу митингларнинг давомими? Биз сайлаб қўйилган кишилар аниқ ишлар билан қачон шуғулланишади?

Ўртоқлар, фожиага айлантириб юбормайлик. Советларга сиёсатда, иш тажрибасида чиниқмаган кўпгина янги одамлар келишди, бинобарин, улар ўз зиммаларига қандай юк тушганлигини ҳали сезиб олишлари керак. Шу билан бирга биз янги ходимлардан янги ғояларни, янги таклифларни кутишга ҳақлимиз.

Менимча сайловчилар халқ Советларининг ишини назорат қилиб бориши, уларга ёрдам бериши ҳамда тўғри, зарур ташаббусларини қўллаб-қувватлаши керак. Келинглар, жипслашиш тўғрисида ўйлайлик, бунинг устига Советлар ҳозир ҳуқуқлар ва нормативларга мувофиқ ажратмалар тарзида катта имкониятларга эга бўлмоқда.

Шу муносабат билан ҳозир танқид қилинаётган совет ходимлари иш ҳақи тўғрисидаги қарорга тўхталиб ўтмоқчиман. Бу ерда ёки институтдаги учрашувда кимдир ана шу қарорни бекор қилишни таклиф этди. Сизларга очиғини айтиб қўяқолай, мен бундай қилмоқчи эмасман, ўртоқлар. Нима учун бундай қилмоқчи эмаслигимни исботлаб бераман.

Биз шундай аҳволга тушиб қолдикки, партия аппаратига, ҳатто биринчи секретарлар лавозимига ҳам у ёки бу регионда чинакам обрўга эга бўлган одамларни ололмай қолдик. Шаҳар партия комитети секретари олаверинг, танлаб олаверинг ва зарур бўлса бўшатаверинг, ўрнига билимдонроқ одамни қўяверинг, муқобил номзодларни кўрсатаверинг, айни сиз ҳақлигингизни исботлаб беринг.

Менимча, ҳозир коммунистлар қарахтлик ҳолатидан, хандақлардан чиқиб ҳаракат қила бошладилар. Шу билан бир зақтда уларнинг орасида ҳафсаласи пир бўлганлар борлигини биламан, уларнинг бир қисми партиядан чиқмоқда. Фойдаси кам тегадиган амал парастлик мулоҳазалари билан партияга кирган одамлар чиқиб кетаётган бўлса, ҳечқиси йўқ. Яхши одамларнинг ҳам партиядан чиқиб кетаётганлиги (бу хусусда ҳам бу ерда хат тушди) ташвишга солмоқда. Менимча, уларнинг гапини диққат билан тинглаш, гап нимадалигини билиб олиш керак. Яхши, ҳалол коммунист учун вақтни аямаслик лозим. Ҳозирги вақтда энг муҳими ана шунда. Биз партиядаги барча соф нарсаларни сақлаб қолишимиз ва зарур қарорлар қабул учун Съездга олиб боришимиз керак.

Делегатларни коммунистларнинг ўзлари бевосита қуйидан сайлайдилар. Бунинг маъноси шуки биз мустақил позицияда турадиган делегатлар корпусига эга бўламиз. Бошқача қилиб айтганда, бу дабдабабозлик ўйинлари эмас, балки партия аъзолари оммасининг ҳокимиятидир. Шу сабабли биз тўғри йўналишдан борямиз. Съездолди кампанияси, мунозаралар орқали ўтамиз, Съездни ҳам ўтказамиз ва ишончим комилки, янги қучга, имкониятларга эга бўламиз. Партия ўзининг сиёсий етакчилик ролини бажаради. Бунинг учун ҳам назарий, ҳам мафкуравий жиҳатдан, айниқса иш услуби ва усулларида, ҳар бир партия бўғинида демократик муҳитни вужудга келтиришда кўп иш қилиш лозим бўлади. Инсон, коммунист ташкилотда ўзини хўжайин деб ҳис этиши муҳимдир.

Яна бир мавзу — ҳозир янги Советлар иш бошламоқда. Марказда ва жойларда сайлов натижаларига билдирилаётган фикрлар, бир хил эмас. Кўпгина Советларнинг дастлабки иш кунлари ўзига хос намойишга, иш тартиби масалалари юзасидан баҳсларга айланиб кетганлиги ташвишга солмоқда. Нима, бу митингларнинг давомими? Биз сайлаб қўйилган кишилар аниқ ишлар билан қачон шуғулланишади?

Ўртоқлар, фожиага айлантириб юбормайлик. Советларга сиёсатда, иш тажрибасида чиниқмаган кўпгина янги одамлар келишди, бинобарин, улар ўз зиммаларига қандай юк тушганлигини ҳали сезиб олишлари керак. Шу билан бирга биз янги ходимлардан янги ғояларни, янги таклифларни кутишга ҳақлимиз.

Менимча сайловчилар халқ Советларининг ишини назорат қилиб бориши, уларга ёрдам бериши ҳамда тўғри, зарур ташаббусларини қўллаб-қувватлаши керак. Келинглар, жипслашиш тўғрисида ўйлайлик, бунинг устига Советлар ҳозир ҳуқуқлар ва нормативларга мувофиқ ажратмалар тарзида катта имкониятларга эга бўлмоқда.

Шу муносабат билан ҳозир танқид қилинаётган совет ходимлари иш ҳақи тўғрисидаги қарорга тўхталиб ўтмоқчиман. Бу ерда ёки институтдаги учрашувда кимдир ана шу қарорни бекор қилишни таклиф этди. Сизларга очиғини айтиб қўяқолай, мен бундай қилмоқчи эмасман, ўртоқлар. Нима учун бундай қилмоқчи эмаслигимни исботлаб бераман.

Биз шундай аҳволга тушиб қолдикки, партия аппаратига, ҳатто биринчи секретарлар лавозимига ҳам у ёки бу регионда чинакам обрўга эга бўлган одамлар — шу маънода бизнинг федерациямиз, Иттифоқимиз ўзига хос уйғониш даврини бошидан кечирмоқда. Моҳият жиҳатидан катта ижобий аҳамиятга молик бўлган бу жараён миллатлараро муносабатларга анча зарар ҳам етказди, катта қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Аввало ажрамачилик ва миллатчиликни келтириб чиқармоқда.

Биз миллатлараро муносабатлар кескинлашишига, можароларга дуч келдик. Бировлар, мана шу «Империя» вайрон бўлаверсин, дейишмоқда, бошқалар эса — Горбачев, раҳбарият қаёққа қараяпти, ҳамма нарсани аллақачон ўз жойига қўйиб, қаттиққўллик билан тартиб ўрнатиш керак эди-ку, дейишмоқда.

Униси ҳам, буниси ҳам жиддий сиёсатга ярашмайди. Рус, совет кишиси ва сиёсий арбоб сифатида бундай ҳаддан ташқари ёндашувларни мақбул кўрмайман. Асрлар давомида биз мақсад қилиб қўйган ва Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи деб атаган улкан оламни англаб етиш русларнинг ва бошқа халқларимизнинг қонига сингиб кетган.

Федерациямизни тубдан ўзгартириш зарурлигини тан олишдан келиб чиқадиган миллий сиёсат доирасида РСФСРда ҳам янгилаш жараёнлари давом этади. Рус халқида, Россия Федерациясидаги барча халқларда ўз республикасининг бошқа республикалар билан ўзаро алоқада ривожланиши хусусида қандайдир ташвишланиш бор. Бундай масалаларни Россия халқларининг манфаатларини ва Иттифоқ манфаатларини кўзлаб ҳал қилиш керак. Агар россияликларнинг кайфияти яхши бўлса — бошқа барча халқларнинг ҳам кайфияти яхши бўлади. Худди шунингдек бошқа халқларнинг кайфияти яхши бўлса, россияликларнинг ҳам кайфияти яхши бўлади. Россияликлар мамлакат олдидаги масъулиятни ва ўз ролларини тушунадилар, бирлаштирувчи вазифасидан воз кечмайдилар, деб ўйлайман.

Кўпмиллатли қудратли давлатимиз қурилишига россияликлар қўшган улуш улкандир. Улар фақат Октябрдан кейинги йиллардагина эмас, бундан олдинги юз йилликларда ҳам бошқа халқларга нисбатан яхши ният ва дўстона туйғулари, ҳурмат-эҳтиромлари беқиёс эканлигини исботлаганлар. Келинглар, эҳтиросларга берилмайлик. Федерациямизни қайта қуриб, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини янгилаш ҳақида ўйлайлик. Янгилаш ғоясини амалга оширишга кўмаклашадиган ҳамма нарса россияликларнинг ҳам, мамлакат халқларининг ҳам манфаатларига мос келади. Ана шунга асосланиб иш қилиш керак.

Энди — партия тўғрисида. В. И. Ленин федерализмни аввалбошданоқ рад этган, миллий ва байналмилал асосларни уйғун бирлаштирувчи, меҳнат аҳлини инқилоб мақсадлари теварагида жипслаштирувчи куч сифатида партиянинг бирлиги учун курашган эди. Россия партия ташкилотларида ҳам компартиянинг ана шу ролини унутиб қўймаслик керак. Бу ҳақда бир эмас, кўп марта ўйлаб кўрилди. Шунга қарамай, коммунистларнинг кайфиятини ҳисобга олиб, биз Марказий Комитетда келишиб олганимиздек ҳаракат қилган бўлардим: Россия Федерацияси партия ташкилотларидан сайланган КПСС XXVIII съезди делегатлари ўз съездларига келишдан олдин Россия партия конференциясига тўпланиб, нима қилишни муҳокама этсинлар. Келинглар, ана шу конференцияга тайёргарлик доирасида ҳаммасини ўйлаб кўрайлик. Шу сабабли ҳозирча ҳеч қандай узил-кесил тавсия йўқ.

Гап партиянинг тақдири тўғрисида, унинг қандай бўлиши ҳақида бормоқда. Шундай ҳам бўлиши мумкинки, биз Россия Компартиясини тузганимиздан кейин ҳаммада миллий партия ташкилотларига тарқалиб кетиш истаги пайдо бўлиши мумкин — гўё ҳар бир партия мустақил ҳаракат қилсин, дейиш мумкин. Аммо бу ҳолда биз Ленининг садоқат билан асраб келаётган васиятларидан чекинган бўламиз.

Энди Ленинградда бўлиб ўтган ташаббус съездига муносабатим ҳақида. Россия партия ташкилотининг тақдиридан ташвишланиш коммунистларни ана шу съездга тўплади, Россия Компартиясини қайтадан тузиш тўғрисидаги масала ҳам ана шундан келиб чиқмоқда. Кўп одамлар Россия партиясини қайтадан тузиш орқали КПССни мустаҳкамлаш тўғрисида фикр юритмоқдалар. Шу сабабли мен уларнинг режаларини, мақсадларини шубҳа остига олмайман. Лекин улар КПСС Марказий Комитети билан маслаҳатлашмай, КПСС Марказий Комитетидан бир четда, партия Уставидан ташқари ҳаракат қилиб ва ҳатто кўпгина партия ташкилотларининг розилигисиз буни амалга оширмоқчи бўляптиларки, мен бундай усулларни мақбул деб ҳисоблай олмайман.

Худди шунингдек, КПССда ички интизомга эга бўлган қандайдир ташкилий тузилмани барпо этишни, партияни ажратиб ташлаш йўлидан боришни хоҳловчиларга қўшилмайман. Мен — ошкора, ҳалол, дўстона партиявий мунозара тарафдориман. Барча масалаларни, назарий ва сиёсий масалаларни, партия қурилиши ва ғоявий масалаларни бўлажак съезд муносабати билан фақат мана шундай йўл орқали принципиал аниқлаб олиш мумкин.

М. С. Горбачев иқтисодиётни қишлоқ сари буриб юбориш тўғрисидаги саволга жавоб қайтариб, иқтисодий ислоҳотни кучайтириш масалалари муҳокама қилинганидан кейин озиқ-овқат масаласини Президентлик Кенгаши муҳокамасига қўйишга қарор қилинганлигини таъкидлади.

«Эҳтимол, Президентлик идорасини жорий этиш вақти келгандир?» деган савол ҳам берилди. Бундай истаклар, ҳатто талаблар кўп бўлмоқда. «Михаил Сергеевич, бу қанақаси, Сизга Президентлик ваколатларини бериб қўйдик. Сиз эса уларни қўлланмаяпсиз» деган гапларни ҳам айтишмоқда. Президентлик ваколатларини мен ҳокимият билан ўйнашиш учун эмас, балки масъулиятни ҳис этган ҳолда бажариш учун қабул қилиб олганман. Айниқса бизнинг мамлакатимиз каби улкан давлатда ҳокимият ўйинчоқ эмас.

Биз федерацияни, маданият, иқтисодиётга тааллуқли жиҳатларни ва сиёсий жараённи ривожлантириш, янгилаш йўлидан боравераміз. Иттифоқдош республикалар янгиланган Иттифоқ доирасида суверен давлат сифатида тўла-тўкис ҳаракат қила олишлари учун ана шу йўлдан борамиз. Бунда улар ҳуқуқларнинг бир қисмини онгли, ихтиёрий равишда, ўзаро келишиш асосида марказга берадилар. Марказ эса жараённинг нормал ривожланишига имкон берадиган ўша умумий ҳуқуқий, иқтисодий, сиёсий шарт-шароитларни яратиб беради. Янги босқични, Иттифоқ бозори босқичини вужудга келтириш ва унга ўтиш федерациямизни тагин ҳам мустаҳкамлайди.

Менга берилган хатлардан бирида Гдлян билан Иванов иши тўғрисида шахсий фикримни баён қилиб бериш илтимос қилинган эди. Эътибор берган бўлсангиз керак, деди М. С. Горбачев, улар йўл қўяётган ҳаддидан ошишга бизнинг жамиятимизда тоқат қилиб бўлмаса ҳам, бу иш юзасидан мен ўз шахсий фикримни айтмасликка ҳаракат қилдим. Порага учишга қарши иш олиб борганлари маъносида кўп жиҳатдан улар ҳақдирлар. Гдлян гуруҳи бажарган ишлар асосида кўпгина суд мажлислари бўлиб ўтди, катта-катта пора олган кишилар қамоққа олинди, судга берилди ва улар жазони ўтамоқдалар. Бу гуруҳ олиб борган иш давом этмоқда. Бинобарин бу ишни охирига етказиш керак. Сиз Олий Совет сессиясида порахўрлик, олғирлик, уюшган жиноятчиликка қарши кураш кучайтирилаётганлиги ҳақидаги маълумотни эшитган бўлсангиз керак. Бу ишга биз билимдон кучларни, шу жумладан давлат хавфсизлиги идораларини жалб этмоқдамиз. Бу мураккаб, қийин кураш, лекин у зарур, чунки турли-туман мафия кучлари ҳокимиятга интилмоқда. Улар пинҳона иқтисодиётда қилаётган ишларидан энди қаноатланишмаяпти. Булар жуда жиддий нарса.

Лекин шундай фикрлар борки, уларга қўшилмаслик мумкин эмас. Бундай масъулиятли, қаттиқ, муросасиз курашни олиб борувчи одамлар қонунийлик заминида мустаҳкам туришлари керак. Улар текинхўрларга, халқни эксплуатация қилаётганларга халқда зарба бериш истаги борлигини сезишди-да, қонун асосида ҳаракат қилиш ўрнига Робин Гуд каби орқа-олдига қарамай таёқни ишга солишди. Мана бунга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди, буни текшириш, охиригача олиб бориш ва ҳамма нарсани ўз жойига қўйиш керак. Олий Совет худди шундай қилмоқда.

Савол: «КПСС оммавий ахборот воситаларидан ёки матбуот нашрларидан олинадиган фойданинг бир қисмини ёш Советлар билан баҳам кўрадими? Ахир бу нашрлар кўпинча КПСС билан Советларнинг умумий нашри ҳисобланади-ку?».

Ҳозир партия ташкилотларида партия аъзолик бадалларини тагин ҳам демократик тақсимлаш қайфияти мавжуд, бадалларнинг анча кўпроқ қисмини уларнинг тасарруфида қолдириш таклиф этилмоқда. Партия фаолиятини пул билан таъминлаш масаласи пайдо бўлмоқда. Бутун жамият қандай қонун асосида яшаса, партия ҳам худди шундай қонун асосида яшай бошлайди.

М. С. Горбачев бир хатни ўқиб берди: «Халқ гапларга ва қарорларга ишонмай қўйди, у мамлакат Президентидан иқтисодий вазиятни соғломлаштириш, хўжалик фаолиятининг барча даражаларида интизомни мустаҳкамлаш ва масъулиятни ошириш хусусида аниқ-равшан амалий ҳаракатларни кутмоқда. Президентнинг бисотида ана шу йўналишдаги режалар мавжудми?».

Режалар мавжуд, деб жавоб қилинди, лекин эски ақидалар асосида фикр юритилса, ҳамма умидлар «бадавлат амаки»га қаратилса — бундан ҳеч иш чиқмайди. Мен қатъийлик билан ҳаракат қилишга чоғланганман, лекин биз бир-биримизни тушунадиган, биргаланиб борадиган тусда қатъийлик билан ҳаракат қилишга чоғланганман. Сизларни ишонтириб айтишим мумкинки, мен олган ваколатлардан жамиятдаги барча жараёнларга жўшқинлик бахш этиш учун фойдаланилади.

М. С. Горбачев область меҳнат коллективлари намояндаларининг жуда кўп бошқа саволларига ҳам жавоб қайтарди. Учрашув бир неча соат давом этди.

СССР Президентининг Свердловскда бўлиши ниҳоясига етди. Эртасига уни областдаги катта шаҳарлардан бири — Нижний Тагилда кутишаётган эди.

Свердловскликлар Михаил Сергеевич билан самимий хайрлашдилар. Белгиланган ўзгартишлар йўлидан қатъий бориш истаги айтилди.

(ТАСС).

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТ СУРЪАТЛАРИНИ ЖАДАЛЛАШТИРАЙЛИК

Шу йилнинг биринчи кварталида мамлакат иқтисодиётини соғломлаштириш ва уни ижтимоий соҳага буриб юборишни кучайтириш юзасидан чора-тадбирлар амалга оширилди, дейилади СССР Давлат статистика комитетининг 1990 йилнинг биринчи кварталида СССРни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш тўғрисидаги ахборотида.

Саноатда халқ истеъмоли моллари айрим турларини ишлаб чиқариш анча кўпайди. Чакана товар оборотининг мутлақ ўсиши ўтган йилнинг биринчи кварталига нисбатан 1,7 баравар кўп бўлди. Аҳоли пул даромадларининг ўсиш суръатлари билан товарлар ва хизматларга харажатлари бир-бирига яқинлашмоқда.

Аммо халқ хўжалигини ривожлантиришнинг барқарорлиги ва мувозанатига эришилгани йўқ. Ўтган давр мобайнида мамлакатнинг бир қанча регионларидаги иш ташлашлар ва миллатлараро можаролар боисидан анчагина иш вақтининг зое кетиши, конвер

ИШЧИЛАР СИНФИ БИЛАН «КАТТА КЕНГАШ»

(Давоми. Боши биринчи бетда).

— Самолётдан сизнинг кочеркангизга қарашим биланоқ бу ерда экология қай даражада яроқсиз ҳолга тушиб қолганлигини тушундим, — деди Михаил Сергеевич. — Уралда атроф-муҳитни қутқариш программаси бор. Бу Нижний Тагилнинг ижтимоий муҳити ва иқтисодиётини такомиллаштириш юзасидан ҳукумат яқинда қабул қилган қарорда ҳам ҳисобга олинган. Уни ишлаб чиқиш ташаббускорларидан бири сизнинг халқ депутатингиз, Президентлик Кенгашининг аъзоси В. А. Яриндир. У бугун шу ерда ва барча тафсилотларни айтиб беради.

Учрашувлар, учрашувлар... Улар кўп бўлди. Олдиндан режалаштирилган ва кутилмаган учрашувлар, завод цехларида, институт йўлакларида, кўчаларда бўлган кўп соат давом этган ва бутунлай қисқа учрашувлар.

Президент машинаси аэродромдан шаҳарга боравершда ҳарбий шаҳарча ёнида тўхтади. Табиийки, бу ерда армия, унинг бугунги ташвишлари ва келажаги суҳбатнинг асосий мавзуси бўлди.

— Армия — бизнинг олдимизда турган жиддий муаммо, — деди М. С. Горбачев. — Бу масалада асосли равишда жуда чуқур ўйлашимиз керак. Бош йўлимиз аниқ — қуролсизланиш, тинч йўлга бурилиш керак. Чунки биз миллий даромаднинг деярли 18—20 фоизини ҳарбий мақсадларга сарфлардик. Бунақаси биронта давлатда йўқ. Ахир бу миллиард-миллиард сўм пулку!

Армияни ислоҳ қилиш даркор. У пухта билимли, маълумотли бўлиши, мамлакат хавфсизлигига кафолот берадиган даражада энг замонавий техника билан қуролланиши лозим. Ушбу ислоҳот лойиҳаларини фақат министрлик эмас, депутатлар корпуси ҳам, офицерлар ҳам таклиф этишмоқда. Турли фикрларни солиштирамиз, программа тайёрлаймиз. Мудофаа министрлиги офицерлар корпуси уй-жой-маиший шароитларини яхшилашга доир таклифларни ҳукуматга тақдим этиши зарур.

Президент бораётган йўлда жойлашган Покровское қишлоғининг қарилари ҳам, ёшлари ҳам уни табриклагани чиқишди. Бу ерда, қишлоқ чеккасида жойлардаги ҳокимият ҳақида гап бошланиб кетди. М. С. Горбачевнинг кўп суҳбатдошлари Совет лардаги аҳволдан ташвишланаётганликларини билдирдилар: уларга тўла ҳокимият берилган, лекин аслида бу ҳокимият қаерда ўзи? Советларнинг пулсизлиги, уларнинг бой «амакилар» — идораларга чидаб бўлмас даражада қарамлиги таъсир қилмоқда. Покровскоенинг ўзида, масалан, амбулатория қурилишига маблағ етишмайди, почта бўлимини қаерга жойлаштиришни билишмайди, бунинг устига қишлоқ Советининг биноси анчадан бери ремонтталаб бўлиб турибди... — Президентни ўраб олган қишлоқ аҳолиси шулар ҳақида гапирди.

Михаил Сергеевич сув билан таъминлашда муаммо борми, деб сўрайди. Ҳозир бўлган кишилардан ҳеч ким районда битта ҳам тоза сув ҳавзаси борлигини айта олмади. Бундай сув ҳавзаси йўқлиги маълум бўлиб қолди: тозалаш иншоотлари қуриш хусусида фақат ваъда беришмоқда. Одамлар ўрмонларни ўйламай-нетмай ваҳшиёна кесиб ташлаётганини алам билан гапирдилар. Ўлка қачонлардир сигирларнинг машҳур Тагиль зотлари билан шуҳрат қозонганлигини эсладилар, энди эса сигирларни Голландиядан, табиийки, валюта тўлаб олиб келишмоқда.

— Советлар, уларнинг реал ҳокимияти ваколатлари — бу энг асосий масала, — сиёсий ислоҳотнинг ўзагидир, — деди М. С. Горбачев. — Ҳамма ерда Советлар тўла ҳокимиятли бўлиши учун биз марказда барча ишларни қиламиз, — ўз сайловчиларимиз — халқимиз иродасини амалга оширувчилар бўламиз. Бунингсиз демократия йўқ. Лекин сиз ҳам, ҳурматли ўртоқлар, қўлни қовуштириб ўтиришингиз керак эмас. Жойлардаги Советларга оёққа туриб олишлари учун ёрдам бериш лозим, Советлар эса ўз навбатида сизнинг қайта қуришдаги ишончли воситангизга айланади.

В. И. Ленин номли Нижний Тагил металлургия комбинатида Президентнинг келишини кутишаётган эди. Дастлабки беш йилликлар даврида қурилган бу корхона яқинда ўз «таржимаи ҳоли»нинг ярим асрлик юбилейини нишонлайди. Аммо бу ерда ҳамма байрам кайфиятида деган гап эмас. Бунинг акси: Нижний Тагил металлургия комбинати қўшаётган ҳисса қайта қуриш вазифаларига мос келадими, коллектив яқин даврга мўлжалланган кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни, уларни бажариш йўлларини яққол кўриб турибдими, истиқболни тўғри баҳолаяптими — ана шу долзарб саволларнинг жавоблари металлургларни кўпроқ қизиқтирмоқда.

Уралликларнинг эришилган натижалар билан мақтаниш одати йўқ. Уларнинг одати бунинг акси дейиш мумкин: улар ҳозирча тўла уддаланмаган ишлар тўғрисида мулоҳаза юритишга ва гапиришга кўпроқ мойилдирлар. М. С. Горбачевнинг металлургларга суҳбатининг дастлабки дақиқалариданоқ ана шу амалий, чинакам қайта қуришга хос позиция намоён бўлди.

Биринчи мартен цехи гувиллаш, оташ нафаси билан кутиб олади. М. С. Горбачев ҳимоя дубулғасини ва брезент коржомани кийиб, гоҳ бир иш майдонига, гоҳ бошқасига кўтарилади, кўпроқ одамларни суҳбатга тортишга, уларни қаяжонга солаётган муаммоларнинг моҳиятини чуқурроқ тушуниб етишга ҳаракат қилади.

«1500» прокат стани печининг ёш ремонтчи слесари А. А. Рожин ўзини таништиргач, Президентга бундай деди: Михаил Сергеевич, Сиз билан муҳим масалада гаплашмоқчиман. Гапнинг сираси шуки, тармоқ ва бирлашма раҳбарларининг металлургларнинг кайфиятига бефарқ қарашлари ишга путур етказиши мумкин: энг яхши мутахассислар ишлаб чиқаришдан кетиб қолишяпти, иш осон, ҳавоси тоза, кўпроқ пул тўлашадиган жойларга кетиб қолишяпти...

Михаил Сергеевич одамлар кетиб қолмаслиги учун цех раҳбарлари қандай чора кўрганини сўрайди. Ўша турғунлик давридаги чоралар. — қуруқ ваъдалар, деди ишчи.

Сўнгра суҳбатда маълум бўлишича, бундан бир-икки йил муқаддам металлургларга болалар боғчаларини сабзавот ва мева билан таъминлаш, эскирган ускуналарни бутунлай алмаштириш, иқтисослаштирилган болалар амбулаториялари қуриш масалаларини қўйган эканлар. Лекин иш жойдан қўзғалмаган. М. С. Горбачев суҳбатда иштирок этаётган тармоқ ва бирлашмалар раҳбарларини ишчининг ана шу танқидий гапларига қаратди.

Чигал тугунни ечишга тўғри келади. Чунки тагилликлар бошини қотираётган бу муаммолар йиллар, ўнлаб йиллар давомида йиғилиб қолган. Нижний Тагил металлургия комбинати ўзининг 50 йиллиги арафасида комплекс реконструкциялашга муҳтож бўлиб турибди. Масалан, мартен ишлаб чиқаришини сира кечиктирмай тугатиб, ўрнига узлуксиз пўлат қуядиган қурилмаларни тиклаш лозим. Бу тадбир уй-жой кварталларидаги ҳавони анча тозалашга имкон беради.

Президентни ўзи ишлаётган жонажон комбинат билан таништирган В. А. Ярин вазиятни бундай шарҳлади: бундай корхоналарнинг фойдаси маҳкамачилик зўравонлигидан ҳимоя қилинмас экан, бу ерда қайта қуриш бир жойдан силжий олмайди.

Комбинатни тубдан реконструкциялаш икки миллиард сўмга тушиши ҳисоблаб чиқилган. Ана шу икки миллиард сўмни қаердан олиш мумкин? Металлургларнинг ҳозирги мамлакатнинг ортиқча маблағи йўқлигини яхши тушунадилар. Парламентда ҳар юз минг сўм учун кескин кураш бораётган экан, бу халқ депутатларининг кўнгил иши эмас. Ҳозирги вақтда жамиятимиз турмушининг ҳар бир соҳаси тубдан яхшилашга жуда муҳтож. Табиатан тайёрга айёрликни ёқтирмайдиган уралликлар буни яхши англайдилар.

Металлургларга бошқа нарсани — ўша «жонажон» министрликнинг ландавурлигини, пассивлигини тушунишмаяпти. Ахир «Уралмаш»да барпо этилган пўлатни узлуксиз қуядиган биринчи қурилма 70-йилларнинг ўрталарида худди мана шу комбинатда ишга туширилган эди-ку? Ўшандан бўён ўтган вақт ичида кўпгина мамлакатларда илғор усулга тўла-тўкис ўтилди, биз эса ишни бошладик-ку, лекин ўша аҳволда қолиб кетдик.

Ўша куни Тагилнинг олов пуркаб турган цехларида тилга олинган энг ўткир мавзулардан бири — уй-жой мавзуси бўлди. Нижний Тагил металлургия комбинатида 9 минг киши квартира олиш учун навбатда турибди, бу эса уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бўлган тагилликларнинг деярли тўртдан бир қисмига тенг. Шаҳарга яна бир катта қувватга эга бўлган уйсозлик комбинати зарур. Аммо бунинг учун кўп маблағ керак Бу маблағни иқтисодий ислоҳотнинг барча имкониятларидан моҳирлик билан фойдаланган тақдирдагина ишлаб топиш мумкин.

Шунинг учун ҳам уралликлар СССР Президентлик Кенгашининг ислоҳотни кучайтиришга қаратилган кучғайратларини зўр эътибор билан кузатиб туришибди. Ислоҳот қайта қуришга, одамларга самаралироқ хизмат қилиши лозим.

Ана шунга эришиш учун курашар эканмиз фақат «юқоридан» туртки бўлишига умид қилмаслик керак. Чунки шаҳар устида бурқсиб турган тутуннинг кўп қисми ўша Нижний Тагил металлургия комбинати мўриларидан чиқмоқда. Бу эса эскирган технологиядан фойдаланиш, фан-техника тараққиётига лоқайдлик билан қараш натижасидир. Бинобарин, металлургларнинг М. С. Горбачев билан биргаликда вазиятни қандай ўнглаб олиш ҳақида мушоҳада юритишга интилганликлари табиийдир.

— Ҳа, корхонанинг металлургия фондлари жуда эскириб қолган, — дейди Михаил Сергеевич. — Корхоналарда фан билан кўпроқ боғлиқ бўлган системаларни тезроқ жорий этиш керак. Бу ишда биз ҳар томонлама ёрдам берамиз. Ахир металл энг зарур нарса.

— Михаил Сергеевич, аммо одамлар темирдан эмас, — деб эътироз билдиради суҳбатдошлардан бири.

— Тўғри, лекин ҳозир фақат сизларгагина қийин эмас, мамлакатнинг ҳамма жойида ҳам қийин. Одамлар қайта қуришдан кўп нарсани кутишмоқда, ҳафсаласи пир бўлишининг сабаблари ҳам шундан. Янгиланиш енгил кўчмаяпти, аммо кўпчилик қайта қуришга, унинг мақсадлари ва йўлига ишонади. Сизчи, сиз ҳам ишонасизми? — М. С. Горбачев ишчига мурожаат қилади.

— Шахсан мен, — дейди ремонтчи слесарь В. И. Ветлужских, — ўртоқларимнинг кўпчилиги ҳам ишонамиз.

Нижний Тагил меҳнаткашлари вакилларининг кечқурун металлургия комбинати маданият саройида СССР Президенти билан бўлиб ўтган учрашуви иш жойларида ва шаҳар кўчаларида бошланган мулоқотнинг давоми бўлди.

Учрашувни КПСС шаҳар комитетининг биринчи секретари С. Ф. Барков очди. Халқ депутатлари шаҳар Советининг раиси В. А. Чердинцев, «Уралвагонзавод» ишлаб чиқариш бирлашмасининг пўлат эритувчиси В. В. Якушев, Нижний Тагил металлургия комбинатининг бош директори Ю. С. Комратов, шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири И. Н. Фасахов, биринчи педагогика билим юртининг директори А. Н. Демина, уруш ветерани А. И. Колбин, Нижний Тагил металлургия комбинатининг ёш ишчиси Владимир Мальцев қайта қуришнинг қийин йўлларига, тагилликларнинг қайта қуришга қўшаётган ҳиссаларига, бевосита уларни ташвишга солаётган муаммоларга тааллуқли фикрлари, мулоҳазалари, саволлари билан ўртоқлашдилар.

Учрашувда М. С. Горбачев нутқ сўзлади.

Учрашув ҳақидаги ҳисобот матбуотда эълон қилинади.

М. С. Горбачев кечқурун Москвага қайтиб келди.

(ТАСС).

СССР Олий Советининг қарори

ЧЕРНОБИЛЬ АТОМ ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИДАГИ АВАРИЯ ОҚИБАТЛАРИНИ ТУГАТИШГА ДОИР ЯГОНА ПРОГРАММА ВА АНА ШУ АВАРИЯ БИЛАН БОҒЛИҚ ВАЗИЯТ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети таъкидлайдики, Чернобиль атом электр станциясидаги авария ҳамма оқибатлари билан ҳозирги даврдаги энг катта фалокат, улкан территорияда яшовчи миллионлаб одамларнинг тақдирига дахл қилган умумхалқ миқёсидаги кулфатдир. Чернобиль фалокатининг экологик таъсири мамлакатни ижтимоий турмушнинг деярли барча соҳаларига, фан ва ишлаб чиқариш, маданият, ахлоқ ва маънавиятнинг кўпгина жиҳатларига даҳлли бўлган янги, ғоят мураккаб кенг миқёсли муаммоларни ҳал этишни зарур қилиб қўйди.

Жуда катта ресурслар, таниқли олимлар ва мутахассисларнинг куч-ғайрати ана шу мақсадларга қаратилди, бу эса авария билан боғлиқ воқеаларнинг ҳамда аҳоли радиацион шикастланишининг фалокатли ривожланиши олдини олишга, атроф-муҳит булғаниши миқёсларини камайтиришга имкон берди.

СССР Олий Совети авария оқибатларини тугатиш учун кўрилаётган чора-тадбирлар етарли бўлиб чиқмаётганлигини таъкидлайди. Радиоактив булғанган районларда олимлар ва мутахассисларнинг радиация хавфсизлиги муаммоларига доир тавсияларининг бир-бирига қарама-қаршилиги, зарур чораларни кўришдаги кечикиш ва бунинг натижасида аҳолининг бир қисмида маҳаллий ва марказий ҳокимият органларига ишонч йўқолганлиги оқибатида жуда кескин ижтимоий-сиёсий вазият вужудга келди. Авариядан кейин юз берган вазиятни чуқур ўрганиш ҳамда ҳаракатларнинг асосланган программасини ишлаб чиқиш жуда секин бормоқда, бу эса региондаги радиоактив таъсирга дуч келган аҳолининг қонуний ғазабини қўзғатмоқда.

Чернобиль АЭСидаги авария оқибатларини тугатишга доир узоқ муддатга мўлжалланган ягона давлат Иттифоқ—республика программасини ишлаб чиқиш ҳануз тугалланмаган, РСФСРда, Украина ССРда ва Белоруссия ССРда авария оқибатларини тугатиш республика программалари пухта ишлаб чиқишни талаб қилади. Радиациядан зарарланган территорияларда хавфсиз ҳаёт кечиришнинг аҳоли кенг табақалари учун тўғри келадиган умумий концепцияси йўқ, бу эса ижтимоий-руҳий вазиятни чигаллаштирмоқда ва жабрланган районлардаги аҳолини ҳимоя қилиш юзасидан етарли даражада асосланган тадбирларни амалга оширишга имкон бермаяпти. Территориянинг радионуклидлар билан булғаниши ҳақида тўла ва тафсилотли ахборотлар йўқ. Жабрланган районлар учун жорий этилган дозани муваққат нормалаш даражаси, назорат этишнинг дозиметрия ва радиометрия асбоблари билан таъминланмаганлиги аҳолида ишончсизлик ва норозилик уйғотмоқда.

Радиация юқори даражада бўлган зоналарда яшовчи ўн минглаб одамлар шу вақтгача кўчирилмаган. Кўчиб келувчилар учун уй-жой қуриш жуда секин бормоқда. Жабрланган районларнинг аҳолиси соф озиқ-овқат маҳсулотлари, кундалик зарур товарлар, тегишли тиббий хизматлар билан тўла ҳажмда таъминланмаган. Аҳолини, айниқса болаларни соғломлаштириш масалалари қониқарсиз ҳал қилинмоқда.

Аҳоли пунктларини кенг миқёсда дезактивация қилиш кўп ҳолларда кам самарали бўлиб чиқмоқда. Атом станцияси саноат майдони ва ундан ташқарида кўпгина радиоактивлик даражаси юқори бўлган манбаларни ишончли тарзда беркитиб қўйиш масалалари ҳал қилинмаган. Радионуклидлар билан булғанган катта-катта қишлоқ хўжалик экинзорларида авария вазияти тегишлича ҳисобга олинмай иш олиб борилмоқда, бу эса белгиланган нормативдан юқори даражада булғанган озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ва истеъмол қилишга ҳамда қишлоқ хўжалиги ходимларига радиация таъсир этишга сабаб бўлмоқда. Радиацион булғанган шароитда хўжалик фаолиятини олиб бориш учун зарур қонуний ҳужжатлар йўқ.

Юз берган аҳвол кўп жиҳатдан марказда ва жойларда давлат бошқарувининг барча даражаларида Чернобиль АЭСидаги аварияннинг миқёслари ва оқибатларига жаҳоншумул фалокат сифатида тўғри баҳо бермаслик, ҳаракатларни етарлича мувофиқлаштирмаслик, айниқса 1986 йилда радиацион вазиятни тадқиқ этишни асоссиз равишда монополиягa айлантириш ва бу ҳақдаги маълумотларни сир тутиш, аҳолининг етарли даражада хабардор бўлмаслиги, шунингдек аҳолини авария оқибатларидан муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш учун масъул бўлган ваколатли давлат органи йўқлиги натижасидир.

Мамлакат юз берган воқеани чуқур идрок этишга, илмий, ижтимоий, психологик ва ҳуқуқий муаммоларни ўз вақтида ҳал этишга тайёр эмас эди, бу эса Чернобиль АЭС аварияси оқибатларини тугатишга доир кенг миқёсли тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга салбий таъсир қилди.

СССР Олий Совети **қарор қилади:**

1. Республика программалари ва давлат экспертизаларининг таклифлари асосида юқори даражада радиоактив булғанган, аввало болалар ҳамда ҳомиладор аёллар бўлган оилаларнинг чеклашсиз, нормал турмуш ва меҳнат шароитини таъминлаш мумкин бўлмаган территориялардан одамларни босқичма-босқич кўчириш ни, аҳоли саломатлигини сақлашни кучайтиришни, ижтимоий-маиший соҳани ҳамда авария натижасида жабрланган аҳолини, биринчи навбатда болаларни соф озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашни кўзда тутувчи узоқ муддатга мўлжалланган давлат программасининг биринчи навбатдаги босқичи сифатида 1990—1992 йилларда Чернобиль атом электр станциясидаги авария оқибатларини тугатишга доир СССР Министрлар Совети тақдим этган кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларнинг давлат Иттифоқ—республика программаси тасдиқлансин.

1991—1992 йилларда ССР Иттифоқини ва иттифоқдош республикаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш планларида ана шу мақсадларга алоҳида қилиб молиявий ва моддий-техникавий ресурслар ажратиш кўзда тутилсин. СССР халқ депутатлари айтган мулоҳазалар ҳисобга олиниб, 1990 йилда қўшимча равишда кечиктириб бўлмайдиган ишларни бажариш учун зарур воситалар, материаллар ва ускуналар қидириб топилсин.

СССР Министрлар Совети, РСФСР Министрлар Совети, Украина ССР Министрлар Совети, Белоруссия ССР Министрлар Совети мазкур чора-тадбирларнинг бажарилиши тўғрисида СССР Олий Советига ҳар йили ахборот берсинлар.

2. Чернобиль атом электр станциясидаги авария оқибатларини тугатишга доир РСФСР, Украина ССР, Белоруссия ССР программалари маъқуллансин. РСФСР Министрлар Совети, Украина ССР Министрлар Совети, Белоруссия ССР Министрлар Совети СССР Давлат план комитети давлат эксперт комиссиясининг мулоҳазаларини ҳамда СССР халқ депутатлари айтган таклифларни ҳисобга олиб, программаларни узил-кесил ишлаб чиқсинлар. СССР Министрлар Совети ва мазкур иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари программаларни дарҳол амалга ошириш чораларини кўрсинлар.

3. СССР Министрлар Совети РСФСР Министрлар Совети, Украина ССР Министрлар Совети, Белоруссия ССР Министрлар Совети билан биргаликда шу муаммо билан шуғулланувчи Ватанимиздаги ва чет эл лардаги етакчи мутахассисларни жалб этиб, СССР аҳолисини Чернобиль фалокати оқибатлари таъсиридан муҳофаза қилишнинг узоқ муддатга мўлжалланган давлат Иттифоқ—республика ягона программасини ишлаб чиқишни тугалласин ва уни 1990 йил охиригача тасдиқласин. Программага одамларнинг хавфсиз яшаши инсонпарварлик концепцияси асос қилиб олинсин, биринчи навбатда қуйидаги жиҳатлар ҳисобга олинсин:

Жабрланган районлардаги аҳолига, айниқса болалар ва ўсмирларга табобат ходимларини имтиёзли шартнома шартлари билан жалб этган ҳолда тиббий хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш;

Инсон организмида радионуклидлар тўпланиб қолишининг олдини олиш ва бундай моддалар организмдан чиқиб кетишини тезлаштириш учун профилактиканинг сўриб олиш усулларини ҳамда парҳез овқатланиш рецептураларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

Яшаш муҳити сифатини яхшилаш, булғанган территорияларда радиоактивлик даражасини камайтиришга ҳамда радионуклидларнинг янги территорияларга тарқалишининг олдини олишга янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш;

Ёмтиёзлар ҳамда булғанган территорияда яшаётган ва яшаган, шу ерда ҳарбий хизматни ўтаётган ва ўтаган, шунингдек авария оқибатларини тугатишда иштирок этган одамларнинг саломатлигига етган зарарни қоплашга доир бир тусдаги давлат системасини ишлаб чиқиш, ана шу шахсларни ҳисобга олиш учун давлат рўйхатини тузиш;

Аҳолининг барча табақаларига етиб борадиган радиоэкология ахбороти ягона системасини вужудга келтириш, радиацион булғаниш, соғлиқни сақлаш ва экология статистикаси маълумотларини кенг миқёсда тақдим этиш, матбуот, радио, телевидение имкониятларидан фойдаланиш, бу масалаларда ҳар қандай махфийликни тугатиш.

4. СССР Министрлар Советига Чернобиль АЭСидаги авария оқибатларини тугатиш масалалари билан шуғулланувчи комитетни тузиш, РСФСР Министрлар Совети, Украина ССР Министрлар Совети ва Белоруссия ССР Министрлар Советига республикаларда тегишли комитетлар тузиш, уларни мазкур муаммо юзасидан зарур ҳажмдаги ваколатлар билан таъминлаш тавсия этилсин.

Ушбу комитет ҳузурида СССР Фанлар академияси, Украина ССР Фанлар академияси ва Белоруссия ССР Фанлар академияси билан биргаликда ўтказиладиган тадбирларнинг ягона стратегиясини ишлаб чиқиш учун илмий-мувофиқлаштириш марказини ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

5. СССР Министрлар Совети:

Чернобиль фалокати тўғрисидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ва уни 1990 йилнинг тўртинчи кварталида СССР Олий Советига тақдим этсин. Қонунда фалокат қурбонлари ва авария оқибатларини тугатиш қатнашчиларининг, булғанган зонадаги ишларни бажариш билан банд бўлган, шунингдек мажбуран кўчирилган кишиларнинг ҳуқуқий мақоми, офат зонасининг ҳуқуқий режими, аҳолининг яшаш ва фаолият тартиби, ҳарбий хизматни ўташ тартиби, жабрланган районлардаги давлат бошқаруви территориал органларини, жамоат ташкилотларини тузиш ва уларнинг ишлаш тартиби белгилаб берилсин;

Атом энергиясидан фойдаланиш ва ядро хавфсизлиги тўғрисидаги қонун лойиҳаси 1990 йил кузги сессияда кўриб чиқиш учун СССР Олий Советига тақдим этилсин;

1990 йилнинг охиригача Чернобиль АЭСи энергоблокларини фойдаланишдан чиқаришга ҳамда станция ходимларининг социал ҳимояланишини ва ҳуқуқларини таъминлаш билан боғлиқ, электростанция зонасидаги объектларнинг ядро ва радиацион хавфсизлигини таъминлаш, радиоактив чиқиндиларини, кўмиш, атмосфера ҳавосини ва сув манбаъларини радионуклидлар билан булғанишдан муҳофаза қилиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга оид комплекс тадбирларни ишлаб чиқсин;

1990 йилда кенг кўламли концепцияни ва бошқа замонавий тасаввурларни ҳисобга олиб, одамлар хавфсиз яшашининг илмий асосланган мезонларини шакллантириш тугалласин;

1990 йилнинг сентябригача мазкур муаммонинг барча иқтисодий-экологик ва тиббий хусусиятларини ҳисобга олиб, Чернобиль фалокати нохуш омилларининг ёш авлодга таъсирини чеклаш ва истисно қилиш юзасидан «Чернобиль болалари» махсус программаси ишлаб чиқилсин ва тасдиқлансин;

1991 йилда радионуклидлар билан булғанган бутун территория ва назорат қилинаётган зонада жойлашган аҳоли пунктлари ҳонадонларини радиацион рўйхатга олиш учун ўртача ва кенг миқёсли иқлим-геохимик ва радиоэкологик қўшма хариталарини тузишни тугалласин;

булғанган территорияларда нормативларга мувофиқ келмайдиган озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришга тезроқ чек қўйиш тадбирлари кўрилсин. Радиоактив булғанган зоналарда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидаги радионуклидлар таркиби устидан давлат назорати кучайтирилсин. Радиация билан шикастланган зоналарда ўсимликларни ҳимоя қилишнинг химия воситаларидан фойдаланишни чекласин.

6. Жаҳондаги барча мамлакатлар парламентларига ва халқаро ташкилотларга мурожаат қилиниб, Чернобиль фалокати муаммоларини ҳал этишда, жумладан халқаро фонд ва жаҳондаги етакчи мутахассислар иштирокида илмий-тадқиқот марказини ташкил этишда ёрдам беришга даъват этилсин. СССР Министрлар Совети жамоат ташкилотларини жалб этиб, халқаро ҳамкорлик ва халқаро ёрдамни мувофиқлаштириш учун шарт-шароитни таъминлайдиган тадбирларни белгиласин.

Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш СССР Олий Советининг экология ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалалари билан шуғулланувчи комитети ҳамда СССР Олий Советининг халқ саломатлигини муҳофаза қилиш комитети зиммасига юклатилсин.

А. ЛУКЬЯНОВ.
СССР Олий Советининг Раиси

Москва, Кремль.

1990 йил, 25 апрель.

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТ СУРЪАТЛАРИНИ ЖАДАЛЛАШТИРАЙЛИК

(Давоми. Боши иккинчи бетда).

нархларини қайд этиш негизида ҳисоблаб чиқилган чакана нархлар индекси 2,6 фоизни ташкил этди.

Маблағ билан таъминлашнинг барча манбалари эвазига 250 мингта квартира қурилди. Жами саҳни 16 миллион квадрат метр бўлган уй-жой фойдаланишга топширилди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,6 миллион квадрат метр ёки 9 фоиз камдир.

Биринчи квартал мобайнида мамлакатда 595 минг жиноят ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 17 фоиз кўп жиноят қайд этилди. Аммо бу суръат 1988 йилнинг шу даврига нисбатан камдир. Қайд этилган ҳар 6 жиноятдан бири оғир жиноятдир. Жиноятчилик амалда ҳамма жойда, аммо айниқса, Латвия, Украина, Эстония, Қозоғистон, Литва ва Грузия Совет Социалистик Республикаларида кўпайди.

Саноат ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми ўтган йилнинг биринчи кварталига нисбатан 1,2 фоиз камайди. Маҳсулот етказиб бериш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятлари 98,7 фоиз бажарилди, жами корхоналарнинг 13 фоизи шундай шартномаларнинг бажарилишини таъминламадилар, бундай корхоналар истеъмолчиларга 2,5 миллиард сўмлик маҳсулотни кам етказиб бердилар. (Ўтган йилнинг биринчи кварталида 1,1 миллиард сўмлик маҳсулот кам етказиб берилган эди).

Истеъмол моллари ишлаб чиқариш («Б» группаси) ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,7 фоиз кўпайди, айни вақтда ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш («А» группаси) шу давр мобайнида 3,2 фоиз камайди. Ҳар бир ишловчи ҳисобига маҳсулот тайёрлаш 0,9 фоиз ортди. Белоруссия ССР саноатида (4,6 фоиз) ва Қирғизистон ССР саноатида (3,8 фоиз) энг юқори ўсишга эришилди.

Деҳқончилик — саноат комплексида ўтган квартал да қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришда яхшиланиш бўлишига эришилмади.

Барча категориялардаги хўжаликларда чорвачилик маҳсулотлари ҳариди қуйидагича бўлди: тирик вазндаги чорва ва парранда — 5,5 миллион тонна, сўйилган вазндагиси — 3,6 миллион тонна; сут — 15,8 миллион тонна; тухум — 13,8 миллиард дона. 11 та республика чорва ва парранда харидини, 6 та республика сут харидини, 11 та республика тухум харидини камайтирди.

Мамлакатда мустақил деҳқон хўжаликлари тузиш жараёни кенгаймоқда. Апрель ойининг бошларига қадар 20 мингдан кўпроқ ана шундай хўжалик тузилди.

Давлатнинг марказлаштирилган капитал маблағлари ҳамда корхоналар ва ташкилотларнинг фондлари маблағлари эвазига 16,9 миллиард сўмлик асосий фондлар ишга солинди ёки бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,9 фоиз кам бўлди. 1990 йилги 843 та давлат буюртмаси объектларидан биринчи кварталда бажарилган иккитаси фойдаланиш учун қабул қилинди, бундан ташқари ўтган йилдан қолган 334 та объектдан 22 таси фойдаланиш учун қабул қилинди.

Юкларни жўнатиш планини темир йўл транспорти — 99,77 фоиз, автомобиль транспорти — 99,5 фоиз, денгиз транспорти — 101 фоиз (Олис Шимол ва унга тенглаштирилган районларга юк жўнатиш — 103 фоиз, чет элга денгиз орқали юк ташиш плани — 107 фоиз) бажарди.

1990 йилнинг биринчи кварталида ташқи бозорга чиқиш ҳуқуқини олган ташкилотлар 14 мингтага етди, улар орасида мингдан кўпроқ қўшма корхона ва 2400 та кооператив бор. Январь-март ойларида жорий нархларда ташқи савдо обороти ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,6 фоиз камайди ва 32,7 миллиард сўмни ташкил қилди.

Экспорт йиллик плани 21 фоиз, эркин муомаладаги валютага йиллик экспорт плани 20 фоиз адо этилди. Йиллик импорт плани 24 фоиз, эркин муомаладаги валютага йиллик импорт плани 32 фоиз адо этилди.

Ноқулай нархларга қарамай жаҳон бозоридан озиқ-овқат моллари, шундай моллари ишлаб чиқариш учун хом ашё ҳамда саноат халқ истеъмоли моллари сотиб олиш ҳажми камаймаяпти.

1990 йилнинг 1 апрелига қадар СССР территориясида чет эл мамлакатлари фирмалари ва ташкилотларининг иштироки билан 1500 тадан кўпроқ қўшма корхона рўйхатга олинди.

* * *

Биринчи кварталда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ишлаб чиқариш структурасини ижтимоий соҳага йўналтириб чуқур қайта қуриш, ресурслар барча турларидан самарали фойдаланиш, иқтисодий ислоҳотни ўтказишни жадаллаштириш юзасидан қабул қилинган йўлни собиткадамлик билан амалга ошириш лозимлигидан далолат бериб турибди.

(ТАСС).

Бугун—Умумжаҳон биродарлашган шаҳарлар куни

ДЎСТЛИК РАМЗИ

Бугун — Умумжаҳон биродарлашган шаҳарлар куни. Бу сана ҳар йили мамлакатимизда халқлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва дўстлик, тинчлик ва тараққиёт учун кураш тимсоли сифатида тантанали нишонланади. Байрам арафасида «Совет Ўзбекистони» мухбири М. МИРЗАМУҲАМЕДОВА халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроқоми раиси Ш. Р. ШОАБДУРАҲИМОВ билан суҳбатлашди.

Тошкент Совет Иттифоқида биринчилардан бўлиб Умумжаҳон биродарлашган шаҳарлар федерациясига аъзо бўлган. Бу ҳаракат фашизмга қарши кураш рамзи сифатида юзага келиб, ҳозир тинчликни сақлаш ишига, халқлар дўстлиги ва ўзаро ҳамкорликка катта ҳисса қўшмоқда.

Тошкент шаҳри билан биродарлашиш муносабатларининг ривожланиш тарихи деярли 30 йилга яқинлашмоқда. Ҳозирги қунда социалистик, тараққий этаётган ва капиталистик мамлакатлардаги ўнта шаҳар билан дўстона алоқалар боғланган.

Ўтган йили ижроком чет эл делегацияларини қабул қилишга алоҳида эътибор берди. Ҳаммаси бўлиб жаҳоннинг 17 мамлакатидан 528 нафар кишини бирлаштирган 38 делегация қабул қилинди.

Ўтган йилни дўстона алоқаларнинг муваффақиятли йили деб баҳолаш мумкин. Совет Иттифоқида 27 майдан 4 июнгача СССР ва АҚШ биродарлашган шаҳарларининг биринчи учрашуви бўлди. Тошкент узоқ вақтдан буён Сиэтл шаҳри билан дўстона алоқаларни давом эттираётганлигини, бу алоқалар эса СССР ҳамда АҚШдаги бошқа биродарлашган шаҳарларга намуна бўлаётганлиги, шунингдек, Совет Ўзбекистони пойтахти йирик халқаро анжуманларни ўтказишда катта тажрибага эгалигини ҳисобга олиб, бу учрашув тадбирларининг асосий қисми Тошкент шаҳрида 28—31 май кунлари ўтказилди.

Ўтган йилнинг унутилмас воқеаларидан бири Тошкент шаҳрига Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчликни мустаҳкамлаш учун фахрий халқаро дипломи, «Тинчлик элчиси» унвони берилганлиги бўлди. Бу шаҳримизнинг халқлар ўртасида ҳамкорликни ривожлантиришни, дунёда тинчлик учун курашга қўшган ҳиссаси халқаро миқёсда тан олинганлигининг белгисидир.

Шубҳа йўқки, бундан буён ҳам биродарлашган шаҳарлар барча мамлакатлар халқлари билан ўзаро дўстлик ва дўстона алоқаларини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшадилар. Тинчликсевар халқларнинг адолатли орзу-умидлари рўёбга чиқиши учун бутун куч ва имкониятларни ишга соладилар.

• *Буюк Ғалабанинг 45 йиллиги олдидан*

ТЕРАН ИЛДИЗЛАР

ФРОНТНИ барча зарур нарсалар билан таъминлашга умумхалқ сафарбарлигига жавобан республика аҳолиси саноат корхоналари, қурилишлар, колхоз-совхозлар ва муассасаларда кунни тунга улаб, фидокорона меҳнат қилдилар. Уруш йилларида кўрсатилган меҳнат жасорати учун республиканинг 50 мингдан ортиқ фидокори орден ва медалларга сазовор бўлди.

Ўша даврда Ўзбекистон Совет Армиясини қуроллар, ўқ-дори, озиқ-овқат ва бошқа зарур анжомлар билан катта миқдорларда узлуксиз таъминлаб турган энг йирик арсеналлардан бирига айланди. Республиканинг бутун хўжалиги саноқли кунлар ва ойлар мобайнида ҳарбий изга кўчирилди. Масалан, «Ташсельмаш» заводи 1942 йилнинг биринчи ярмида шундан олдинги йилнинг биринчи ярмидагига қараганда ўн баравар кўп маҳсулот ишлаб чиқарди. Тошкент тўқимачилик комбинатида авиация, парашют, газ баллонлари ва медицинада ишлатиладиган, ўтга ва сувга бардошли турли-туман матолар ишлаб чиқариш жуда тезлик билан йўлга қўйилиб, фронтга етказиб берилди. Бундай мисолларни бошқа завод, фабрика, комбинат ва артеллар ҳаётидан ҳам келтириш мумкин.

СССРнинг ҳарбий районларидан кўчириб келтирилган саноат корхоналарини жойлаштириш, монтаж қилиш ва қисқа фурсатларда ишга тушириб юбориш жуда мураккаб ва масъулиятли иш бўлган эди. Ҳаммаси бўлиб, Ўзбекистонга 93 та завод ва фабрика кўчириб келтирилди. Республиканинг партия ва совет органлари корхоналар коллективлари билан биргаликда мураккаб вазифани муваффақият билан уддалашди. Республикага келган ишчи коллективлари тезликда бошпана билан таъминланди. Ўзбекистонда қайта иш бошлаган корхоналар уруш йилларида фронтга ҳолиқудрат самолётлар, авиация моторлари, минглаб авиабомба, миллионлаб мина, снаряд ва гранаталар етказиб бердилар. Енгил саноат корхоналари ва кооперация ишлаб чиқариши фронтга 450 миллион сўмликка яқин кийим-кечак, пойабзал, ўқ-дори ва бошқа зарур нарсаларни жўнатдилар.

Шунисиз муҳимки, саноат корхоналари чиқарилаётган маҳсулот ҳажмини кўпайтирибгина қолмай, қисқа муддат ичида фан ва техниканинг сўнгги ютуқларига мувофиқ келадиган ҳамда ҳарбий давр талабларига жавоб берадиган янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ҳам ўзлаштирдилар.

Уруш йилларида республикада қурилиш ишлари ҳам кенг қулоч ёйди. Ўша даврда республикада 6 электр станцияни, шу жумладан қудратли Фарҳод ГЭСини, ўлкада биринчи металлургия заводини қуришга киришилди. Мазкур завод 1944 йил мартидаёқ пўлат бера бошлади. Республикада нефть қазиб чиқариш икки марта, кўмир қазиб чиқариш бир неча марта кўпайтирилди. Умуман, уруш йилларида Ўзбекистонда 280 та саноат корхонаси қурилиб, ишга туширилди. Бу корхоналар индустриянинг янги тармоқлари вужудга келиши ва ривожланишига, бутун Ўзбекистон иқтисодиёти қудрати ошишига жиддий таъсир кўрсатди.

Колхозчилар, совхоз ва МТСларнинг ишчилари тинним билмай меҳнат қилишди. Дон етиштириладиган майдонлар кенгайтирилди, қанд лавлаги етиштириш ўзлаштирилди, пахтачиликнинг вақтинча қолоқлигига барҳам берилиб, уни етиштириш кўпайтирилди. Бунда ВКП(б) Марказий Комитети ва Иттифоқ ҳукумати республикага катта ёрдам кўрсатдилар. Уруш йилларида республика қишлоқ хўжалиги мамлакатга 4,8 миллион тонна пахта, 52 минг тонна пилла, 1 миллион 300 минг тонна ғалла, 482 минг тонна картошка ва сабзавот, 57 минг тонна мева-чева ва узум, 159 минг тонна гўшт, 22 минг тоннадан зиёд жун етказиб берди.

Республика меҳнаткашлари мудофаа фондига 475 миллион сўм нақд пул билан, 3 миллиард 670 минг сўмлик давлат заёми облигацияларини сотиб олиш билан, 22 миллион сўмлик қимматбаҳо буюмлар билан, 585 миллион сўмлик пул буюм лотереяси сотиб олиш билан муносиб ҳисса қўшдилар. Ана шу маблағлардан «Совет Ўзбекистони», «Ўзбекистон 20 йиллиги», «Ўзбекистон колхозчиси», «Ўзбекистон комсомоли» каби ва бошқа номларда танк колонналари ва авиация эскадрильялари ташкил этилиб, фронтларга жўнатилди.

Республикада ўнлаб ҳарбий госпитал жойлаштирилди, уруш охирига келиб Ўзбекистонда ҳисобда турган ногиронлар сони 68 мингга яқин эди, шулардан 60 мингги иш билан таъминланди.

Душман устидан қозонилган ғалабага республика зиёлилари улкан ҳисса қўшдилар. 1943 йил ноябрида Ўзбекистон Фанлар академияси ташкил топади. Академия ўзининг кўп сонли институтлари ва илмий тадқиқот муассасалари кучларини сафарбар этиб, республикада фанни ривожлантириш ва унинг Ватан фани тараққиётига қўшадиган ҳиссасини кўпайтириш бўйича кенг фаолиятни авж олдириб юборади.

Ўзбекистоннинг ёзувчи, шоир, композитор, рассом ва бошқа санъаткорлари ижоди меҳнаткашларда совет ватанпарварлиги ва халқлар дўстлиги ҳис-туйғуларини тарбиялашга, босқинчиларга қарши курашаётган жангчилар мардлиги ва қаҳрамонлигини тараннум этишга, халқимизда ғалабага бўлган ишончни мустаҳкамлашга қаратилди.

Талантли қаламкашлардан Ҳамид Олимжоннинг «Қўлинга қурол ол», «Роксананинг кўз ёшлари», «Ишонч» каби шеърлари, қатор драматик асарлари, публицистик мақолалари, Ғафур Ғуломнинг «Мен—яҳудийман», «Сен етим эмассан», «Вақт» каби шеърлари, Абдулла Қаҳҳорнинг «Ботирали», «Кўк конверт», «Кампирлар сим қоқди», «Асрор бобо» каби ҳикоялари, «Дардақдан чиққан қаҳрамон», «Олтин юлдуз» қиссалари, Ойбек ва Ўйғунниг оташнафас шеърлари одамлар руҳини кўтариб, уларни душманга қарши мардона жанг қилишга, фронт орқасида ғалаба йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилишга илҳомлантирди. Уруш йилларида яратилган бир қатор саҳна асарлари ва кино лента лари ҳам ана шу мақсадларга хизмат қилди.

УРУШ йилларида Ўзбекистон аҳолисининг байналмилалчилик руҳи ва СССР халқлари билан дўстбиродарлиги ёрқин намоён бўлди. Тошкентлик темирчи Шоаҳмад ота Шомаҳмудов ва унинг рафиқаси Баҳри опа уруш йилларида турли миллатга мансуб ўн олти етим болани фарзандликка олиб тарбиялаганликлари ҳаммага яхши маълум. Сизни ана шу ватанпарварликка нима ундади, деган саволга Шоаҳмад ота шундай жавоб берган эди: «Уруш йилларида Украина, Белоруссия, Россия федерацияси ва бошқа қардош республикаларнинг кўп шаҳар ва қишлоқлари бутунлай йўқ қилиб ташланди. Фашистлар қариялар, аёллар, болаларни шафқатсизлик билан қириб ташладилар уларнинг уйларини ёндирдилар. Ота-оналари фашист ваҳшийлари томонидан ўлдирилган кўпгина болалар Ўзбекистонга келтирилди...

Болаларни ўз қарамоғимизга олар эканмиз, рафиқам Баҳрихон ва мен бу ишимиз билан севимли Ватанимизга ёрдам бераётганимизга имонимиз комил эди».

Баҳрихон ая ва Шоаҳмад отанинг олижаноб ишлари совет кишиларида фахрланиш ва ҳурмат ҳиссини қўзғатди. Челябинск шаҳрида яшовчи В. А. Екимов уларга мурожаат қилиб, шундай деб ёзган эди: «Бизнинг ватанимиз — Совет Иттифоқи бепоён! Шоаҳмад Шомаҳмудов ва Баҳрихон Акрамова, бизнинг мамлакатимиз сиз каби олижаноб, иродаси кучли ва ғурурли одамларга бой. Сизларга ўхшаган ана шундай одамлар туфайли ҳаёт яна ҳам гўзаллашади, қуёш яна ҳам тафтлироқ туюлади, қалблар қувончга тўлади, улуғ совет халқи билан фахрланиш ҳиссимиз ортади... Қадрли Шоаҳмад ака ва Баҳрихон опа, сизлар туфайли ҳам бахт ва қувончни тобловчиларсиз, қуёш ва инсонийликни тобловчиларсиз...»

Каттақўрғонлик Ҳамид Саматов урушда бир оёғидан айрилади. У уйига ногирон бўлиб қайтгач, Манғит онаси билан бирга турли миллатга мансуб ўн уч болани ўз тарбиясига олади. Бу ажойиб оилада ўзбек Мирали, рус—Иван, татар—Қосим, армани—Арслон, белорус—Женя, яҳудий—Лиза ва бошқалар тарбияланиб вояга етади.

Бундай фактлар республикамизда ягона эмас. Лаънати уруш туфайли ота-онасиз қолиб, биз томонларга кўчириб келтирилган етим болаларни фарзандликка олиб тарбиялаш республикамизнинг кўпгина шаҳар ва қишлоқларида кенг ватанпарварлик ҳаракатига айланган эди. Умуман олганда ўзбек халқи уруш йилларида кўчириб келтирилган 200 мингдан ортиқ етим болаларни, юз минглаб катта ёшдаги аҳолини ўз бағрига олди.

УРУШНИНГ дастлабки йилларида фашистлар босиб олган ва кейинчалик армиямиз озод қилган район, область, ўлка, республикаларнинг вайрон бўлган халқ хўжалигини тиклашда Ўзбекистон кўрсатган ёрдам, мадад байналмилалчилик ва халқлар дўстлиги амалда намоён бўлишининг бошқа бир ажойиб шакли эди. Краснодар ва Ставрополь ўлкаларига ҳамда Украина ССРга Ўзбекистон икки мингга яқин трактор ва автомобиль жўнатди. Тошкент темир йўли юзлаб паровоз, 40 мингтагача юк вагонлари ва қарийб 3,5 мингта йўловчилар ташувчи вагонларни ремонт қилиб жўнатди. Республика колхоз ва совхозлари Украинага 8 мингта от ва ҳўкиз, 170 мингта қўй ва эчки жўнатишди.

Ўша вақтда оталик ёрдами кўрсатиш катта аҳамият касб этди. Чунончи, «Ташсельмаш» заводи Ростовдаги «Сельмаш» заводига, Чирчиқ химия комбинати Днепродзержинскдаги азотли ўғит ишлаб чиқарувчи комбинатга, республика энергетиклари Украина ва Белоруссияда қурилаётган электр станцияларига, Оҳангарон шахтерлари Донецк шахталарига оталиқ қилдилар ва ҳоказо.

Менга хизмат бурчим юзасидан социалистик мамлакатларнинг ҳаммасида, кўпгина ривожланаётган ва капиталистик мамлакатларда бўлишга тўғри келган. Ўша вақтларда Хитойдан Франциягача, Пхеняндан Тиранагача — ҳамма жойда, барча давлатларда ўша мамлакатнинг халқини, у ёки бу шаҳар ва қишлоқ аҳолисини фашизмдан ҳалос қилиш учун курашда ўз ҳаётини қурбон қилган совет жангчилари ва офицерларининг мозорларини кўрдим. Кўпгина жойларда совет жангчиларига ёдгорликлар, монументлар ўрнатилган. Зеро иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳалок бўлган 50 миллион одамнинг 20 миллиони совет кишиларидир. Уларнинг кўпгинаси ўз Ватанлари тупроғидан ташқарида ҳаётдан кўз юмишган.

Европа ва Осиёнинг 12 мамлакатида 7 миллионга яқин совет жангчилари душманга қарши бир йилдан ортиқ жанг қилиб, 147 миллион аҳоли яшайдиган территорияни фашизм вабосидан тозаладилар. Совет Армиясининг ғалабаси дунёдаги бутун вазиятни ўзгартириб юборди, эзилган халқларнинг мустамлакачиликка қарши курашининг авж олишига, Ғарбда ишчилар синфи, барча прогрессив кучлар қудрати ва таъсири ошишига олиб келди. Шуни эслатиш кифояки, агар 1939 йилда бутун дунёда 4 миллионга яқин коммунист бўлган бўлса, 1945 йилда бу миқдор 20 миллионга, 70-йилларда 80 миллионга етди.

Озод қилувчилик бурчига садоқатнинг ўз ҳаётини қурбон қилишдан ҳам кўра ишончли далили бўлмаса керак. Ўша қурбон бўлганлар умум иши манфаатлари йўлида — инсониятни даҳшатли фашизм вабосидан сақлаб қолишни деб, одамлар ва мамлакатлар ўртасида тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик барқарор бўлсин деб, умуминсоний қадриятлар сақлансин ва ривожлансин деб жанг майдонларида жон олиб, жон беришди. Худди шуни кўра била туриб Ғарбдаги айрим давлат арбоблари, ҳарбий мутахассислар, олимлар, Совет Қуролли Кучларининг иккинчи жаҳон урушидаги ҳал қилувчи ролини пасайтиришга ҳамон уриниб келмоқдалар. Бундай уриниш биз, уруш ветеранларини ниҳоятда ғазаблантиради. Совет кишилари ва чет эллардаги жуда кўп дўстларимиз бундай ярамас, адолатсиз уринишларга муносиб зарба бермоқдалар ва ҳақиқатни қаттиқ туриб муҳофаза қилмоқдалар. Иккинчи жаҳон урушида берилган қурбонлар ва бошқа оғир йўқотишлар ҳаққи-ҳурмати тарихий ҳақиқатни қаттиқ туриб ҳимоя қилавериш керак.

Улуғ Ватан уруши азоблари бирга тотган ва ғалаба нашидасини бирга сурган полкдошларимиз ҳозир ували-жували ота, бува ва бувакалонларга айланиб кетишган. Улар мамлакатимизнинг турли бурчакларида яшашади, тақдирлари ҳам турлича. Халқ хўжалигининг ҳар хил соҳаларида ишлашяпти. Вазифа ва касб-корлари ҳам бир хил эмас. Эндиликда ҳаммамизнинг сочларимиз оқарган, юзларда тарам-тарам ажинлар, қадам ташлашнинг шитоби ўзига яраша. Начора, ўтган вақт, умр ўз изини қолдирар экан.

1977 йилда Ғалаба кунини нишонлаганимизда бизнинг полкдошлар 300 киши эди. 1984 йилда Тошкентда учрашганимизда эса 77 ветеран дийдор кўришдик. Қолганлар бу ерда ҳозир бўлиша олмади. Кимлардир ҳаётдан кўз юмган, кимларнидир бетоблик ётқизиб қўйган, яна кимлардир кексалик ва тирикчилик ташвишидан уйдан чиқиша олмаган. Йил сайин полкдошларимиз сийраклашиб бормоқда.

Партия ва давлатимиз, халқимиз Улуғ Ватан уруши ветеранлари, ногиронлари тўғрисида ғамхўрлик қилмоқдалар. Бундай инсонпарварлик учун биз минатдормиз. Аммо об-ҳаво ўзгарганда, ҳаво босими кучайганида, асаблар тугёнга келганида ва бошқа сабаблар билан бирдан бошқа оғриқ туради, суяклар зирқирайди, қулоқлар шанғиллаб, дунё кўзингга тор кўриниб кетади, шунда ўз ёғингга ўзинг қувурилласан, ҳеч ким сенинг жонингга оро кирмайдиганга ўхшаб туюлади. Буларнинг ҳаммасини сенинг ўзинг кечиришинг керак. Ана шундай пайтларда энг даҳшатлиси — бу ёлғизлик. Агар шундай дамларда фарзандларинг, туғишганларинг ва ёру-биродарларинг ёнингда, яқинингда бўлса бу сенинг бахтинг. Агар рафиқанг, фарзандларинг, невара-чевараларинг ёнингда бўлса, уларнинг ўйин-кулгуси ва шўхликлари билан уйинг тўлиб турса, дўстларинг, айниқса полкдошларинг телефон қоқиб турса ёки эшикдан кириб келса, сен қабул қилаётган дори-дармон ва давонинг самараси кўп даражада ошади. Мен айниқса армияда ва Ватанимиз, халқимиз мустақиллиги, ор-номусини сақлаб қолиш учун бўлган жангларда туғилган, мустаҳкамланган дўстлик ва биродарлигимизни қадрлайман, бошқаларни ҳам ана шу қадриятимизни кўз қорачиғидек сақлашга даъват этаман.

Фарзандлар, невара-чеваралар Улуғ Ватан урушида қатнашган ветеранлар — ўз ота-оналари, бувалари ва бувакалонлари билан ҳар қанча фахрлансалар, уларни ҳурмат қилсалар, эъзозласалар арзийди. Биз ветеранлар, ёшларимиз оталар жасоратининг муносиб меросхўри, издошлари бўладилар, она Ватанимизга садоқат билан хизмат қиладилар, зарур бўлса унинг хавфсизлиги ва манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қиладилар деган умиддамиз.

ТАРИХЧИЛАРНИНГ айтишича, бутун дунёда 6 минг йил ичида 14 мингта қуролли жанжаллар, урушлар бўлганки, улар 3 миллиард 600 миллион кишининг ёстиғини қуритган. Шунга қарамай, инсоният ҳали ҳам уруш деган касофат таҳдидидан халос бўлган эмас. Ҳозир дунёда турли-туман қурол, ўқ-дори, оммавий қирғиннинг бошқа воситаларидан ташқари 60 мингга яқин (1984 йилги маълумот) ядро каллаги тўпланганки, улар 80 миллиард одамни йўқ қилиб юбориши мумкин. Ер шаримизда эса ҳозирги вақтда бор йўғи 5,2 миллиард одам яшайди. Урушнинг нималигини ўз бошларидан кечирган ветеранлар Президентимиз М. С. Горбачев, КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг ер юзида тинчликни сақлаш борасида халқаро майдонда кўрсатаётган куч-ғайратларини сидқидилдан қўллаб-қувватлайдилар.

Улуғ Ватан урушида фашизм устидан қозонган ғалабамизнинг теран илдизлари бор. У социалистик тузумимизнинг афзаллигига, кўпмиллатли мамлакатимиз халқларининг ленинча дўстлиги ва байналмилалчиликка садоқатига, ватанпарварлик туйғуларимиз ва Коммунистик партиянинг раҳнамолик кучига негизлангандир.

«Бухенвальд бонги» деб аталувчи жасорат қўшиғини кўпчилик билади. Қўшиқда «Дунёдаги одамлар... Тинчликни эҳтиёт қилинг!» — деган сўзлар бор. Ана шу олижаноб, муқаддас даъват ер юзида яшаб турган барча кишиларга қаратилгандир. Чунки ҳозирги шароитларда тинчликни сақлаб қолиш — бутун планетамизда ҳаётни сақлаб қолиш демакдир. Биз ветеранлар ҳам бунинг учун қўлимиздан келган ҳамма ишни қиламиз.

Н. МУҲИТДИНОВ,
партия ва меҳнат ветерани, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси.

• *Ахборот*

ҚИШЛОҚ ЧЕВАРЛАРИ

Боёвут районидаги «Боёвут» совхози марказида Ўзбекистон комсомолининг 50 йиллиги номли Гулистон тикувчилик фабрикаси филиали очилди.

Ҳозирча филиалда 60 киши ишламоқда. Тез орада филиал чеварлари сони икки бараварга кўпаяди. Қишлоқ хотин-қизларини ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш ниятида очилган бу даргоҳ гавжумлашиб қолди. Гулистон тикувчилик фабрикаси жумҳуриятимиз йирик ишлаб чиқариш бирлашмаларидан бири бўлиб, унинг филиалларида 400 дан ортиқ хотин-қиз ишламоқда. Келажакда филиаллар фаолияти янада кенгайтирилади. Шу мақсадда, Оқолтин район, Сардоба қишлоғи ҳамда Боёвут район «Коммунизм» колхозида ҳам яғи филиаллар очиш кўзда тутилмоқда.

А. УМАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» жамоатчи мухбири.

БОРБАД МАРВАЗИЙ ТЎЙИ

ЮНЕСКО форс-тожик маданиятининг буюк намоянда, оҳангсоз Борбад Марвазий таваллудининг 1400 йиллигини кенг нишонлашга қарор қилган эди.

Тантаналар Тожикистон ССР пойтахти Душанбе шаҳрида бошланди. Бу ерга дунёнинг турли мамлакатларидан таниқли санъатшунослар, олимлар, маданият арбоблари ташриф буюришди.

Мирзо Турсунзода номидаги ёзувчилар уйида симпозиум очилди. Уни Тожикистон ССР Фанлар академияси президиумининг аъзоси Муҳаммад Осимий бошлаб берди. Шундан сўнг эронлик олимлар — Сосон Сипанто, Баделлоҳ Дабири Нажот, Меҳри Бағири, Ҳиндистон дорилфунунининг профессори Обуди, тожик олимлари Н. Нўъмонов, Н. Ҳакимов ва бошқалар сўзга чиқишиб, Борбад Марвазий ҳаёти ва ижоди, унинг маданиятга қўшган ҳиссаси, ўлмас анъаналари тўғрисида маъруза қилдилар.

Душанбедаги навбатдаги илмий йиғилишда Борбаднинг Шарқ мусиқа санъатига, хусусан мақомчиликка қўшган ҳиссаси ҳақида гап борди. Йиғилганларда голландиялик эроншунос Турожи Атобаки, америкалик олим Ричард Фрай, афғонистонлик доктор Сиддиқий, Тошкент Давлат консерваторияси кафедрасининг мудири О. Матёқубовларнинг маърузалари илиқ таассурот қолдирди.

Тожикистон пойтахтидаги цирк биносида Борбад даврига мансуб миллий кийимлар кўргазмаси очилди. Айний номидаги опера ва балет театрида Борбад Марвазий тўйи мунобати билан уюштирилган концертни дўнёнинг турли бурчакларидан келган меҳмонлар, мезбонлар қизиқиб томоша қилдилар.

Борбад юбилейи тантаналари давом этмоқда.

М. ШОАЛИЕВА.

Муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

ТВ • ҲАФТАЛИК • ПРОГРАММА

30 АПРЕЛЬ, ДУШАНБА

УзТВ-I. 9.00 «Ассалому алайкум». 10.00 «Тўйлар муборак». Бадиий фильм. 11.05 «Қувноқ стартлар». 12.10 Мусиқий учрашув 13.10 «Келинлар қўзғолони». Спектакль. 15.05 Реклама. 18.10 Болалар учун фильм. 19.30 Ахборот. 19.50 Концерт. 20.30 Время. 21.00 Ғуломжон Еқубов куйлайди. 22.00 Ахборот. 22.20 «З-студия».

УзТВ-II. 18.05 Спорт шарҳи. 18.45 Телефильм. 19.00 «Эрга тегманг, қизлар». Бадиий фильм. 20.05 Касблар ҳақида ҳикоялар. **Фрунзе.** 20.30 Время. 21.00 «Коктом». 22.15 Комик фильмлар экрани.

МТ-I. 7.30 Спорт ҳамма учун. 7.45 Ритмик гимнастика. 8.20 Киножурнал. 8.30 Болалар учун кўрсатув. 9.30 Ватан хизматида. 10.30 «Блиц». 11.00 Мультфильмлар. 11.30 «Бурда моден». 12.00 Кинопрограмма. 13.00 Россия суверенитети. 14.00 Футбол шарҳи. 14.30 Педагогика ҳамма учун. 15.30 Советлар: ҳокимиятга эришилмоқда. 1-кўрсатув. 17.30 Халқаро панорама. 18.15 Эстрада программаси. 20.30 Время. 21.00 Хоккей. Жаҳон чемпионати. 23.00 Бу бўлган... бўлган. ди...

МТ-II. 7.30 Гимнастика. 7.45 Концерт. 8.40 «Салений лақаб. ли ит». Бадиий фильм. 9.50 Мусиқий комедия ва оперетта театрлари Бутунроссия кўриги. 10.50 Спектакль. 12.00 Концерт. 13.55 Коллаж. 14.00 Совет Россияси видеоканали. 16.30 Москва триоси чалади. 16.55 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 17.55 Концерт. 18.15 Бокс. СССР ва АҚШ терма командалари. 19.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.45 Эстрада программаси. 20.30 Время. 21.00 «Утиноозерскдаги воқеа». Бадиий фильм. 22.10 Американи «Эй-би-си ньюз» компанияси.

1 МАЙ, СЕШАНБА

УзТВ-I. 9.00 Концерт. 9.50 Тошкент. В. И. Ленин номидаги майдон. Меҳнаткашларнинг Халқаро бирдамлик куни 1 Майга бағишланган кўрсатув 11.55 Москва. Қизил майдон йиғини ва сайил. 13.35 Концерт. 14.05 Манзарали фильм. 14.30 Адабий-мусиқий композиция. 15.15 «Садоқат». Бадиий фильм, 1 ва 2-сериялар. 18.00 Мусиқий кўрсатув. 19.30 Ахборот. 19.45 Мультипанорама. 20.30 Время. 21.00 Телевизион миниатюралар театри. 22.00 Ахборот. 22.20 Байрам концерти.

УзТВII. 18.05 «Қароқчи чоллар». Бадиий фильм. 19.35 Фильм-концерт. 20.10 Телевизион киножурнал. **Душанбе.** 20.30 Время. 21.00 Мусиқий программа. 22.00 Тожикистон байрам либосида. 22.30 «Мен бир қизни учратдим». Бадиий фильм.

МТ-I. 7.30 «ТСН». 7.45 Ҳужжатли фильм. 7.55 Киноконцерт. 8.50 Мультфильм. 9.10 «Фил учун оркестр билан айтиладиган соло». Бадиий фильм, 1 ва 2-сериялар. 11.20 Фотоконкурс. 11.25 Концерт. 11.55 Москва. Қизил майдон митинг ва сайил. 13.35 Қувноқ нотачалар. 14.35 Хоккей. Жаҳон чемпионати.16.35 Аншлаг. Аншлаг! 18.05 «Лабиринтга кириш». Бадиий фильм, 1 ва 2-сериялар. 20.30 Время. 21.00 Мусиқий программа. 22.35 «Интерлягер-90» 00.20 Рақслар, рақслар

МТ-II. 7.00 Гимнастика. 7.45 Ҳужжатли фильм. 8.00 Ритмик гимнастика. 8.30 Фильм-спектакль. 11.55 Концерт. 13.25 Ҳужжатли фильм. 13.50 Қўшиқ инсон билан қолади. 14.50 Болалар учун фильм. 16.00 Мультфильм. 16.40 Музиқа ва мода. 17.30 Мультфильм. 17.40 Киносерпантин. 1-дубль. 19.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.45 Киносерпантин, 2-дубль. 20.30 Время. 21.00 Киносерпантин, 3-дубль.

2 МАЙ, ЧОРШАНБА

УзТВ-I. 9.00 «Ассалому алайкум». 10.00 Болалар учун фильм. 11.35 Телевизион миниатюралар театри. 12.35 «Ёшлик». 14.25 Концерт 17.45 «Май гуллари». 18.15 «Холодильникда кимдир бор». Бадиий фильм. 19.30 Ахборот. 19.45 Юлдуз Усмонова куйлайди. 20.25 Кинолавҳа. 20.30 Время. 21.00 Концерт. 22.00 Ахборот. 22.20 Келинг, бир кулишайлик.

УзТВ-II. 18.05 Дўстлик программаси. 19.05 «Тўрғай». Бадиий фильм. **Душанбе.** 20.30 Время. 21.00 Концерт. 22.45 «Муҳаббатим, қайгум менинг». Бадиий фильм.

МТ-I. 7.30 «ТСН». 7.45 Ҳужжатли фильм. 8.25 Мультфильм. 8.45 «Роппа-роса уч минут кам». Бадиий фильм. 10.00 Концерт. 10.35 Киноафиша. 11.35 Ҳужжатли фильм. 13.05 Болалар концерти. 13.50 Циркни ҳамма севади. 14.35 Камалак жилолари. 15.50 Лайма Вайкуле концерти. 16.55 Футбол. СССР кубоги. 18.50 Ҳужжатли фильм. 19.10 «Лабиринтга кириш». Бадиий фильм, 3-серия. 20.30 Время. 21.00 Коллаж. 21.05 Концерт. 21.50 Хоккей. Жаҳон чемпионати.

МТ-II. 7.30 Гимнастика. 7.45 Концерт. 8.25 Фильм-концерт. 9.10 Ҳужжатли фильм. 9.40 Мультфильмлар. 10.05 Биз билан бирга, худди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар. 11.05 «Умид шамоли». Бадиий фильм. 12.20 Узлуксиз фильмлар. 18.25 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Танаффусда — Хайрли, тун, кичкинтойлар! 20.05 Концерт. 20.30 Время. 21.00 Хоккей. Жаҳон чемпионати. 21.45 Фильм-концерт.

3 МАЙ, ПАЙШАНБА

УзТВ-I. 11.30 Ўзбекистон ССР тарихи. 12.00 Телефильмлар. 12.30 Ўзбекистон ССР тарихи. 13.00 «Тўрғай». Бадиий фильм. 17.35 Янгиликлар. 17.40 Ўқитувчи экрани. 18.10 Хизмат кўрсатиш тармоқлари. 18.50 Депутат ва ҳаёт. 19.30 Ахборот. 19.50 Алифбо сабоқлари. 20.25 Кинолавҳа. 20.30 Время. 21.00 Ўзбек куйларидан концерт. 21.45 Ички ишлар вазирлиги хабар беради. 21.55 Реклама. 22.00 Ахборот. 22.20 Сени бирга. ликда сақлаймиз, Орол. 22.50 «Белие роси қишлоғи». Кинокомедия.

УзТВ-II. 18.00 Ёшлик. 18.45 Тошкент. 19.15 «У ёлғиз эмас эди». Бадиий фильм. **Фрунзе.** 20.30 Время. 21.00 «Очиқ қалб». Бадиий фильм.

МТ-I. 6.00 «120 минут» 8.05 Мультьфильмлар. 8.35 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Финал. 10.40 Болалар соати. 11.40 «Мержан» ансамбли ижро этади. 11.55 Коллаж. 12.00 Время. 12.40 «Оддий вазият». Телеспектакль. 14.05 Кўл узра қўшиқлар. 14.35 Мультфильмлар 15.15 Концерт. 16.05 Ҳужжатли фильм. 16.45 Мультфильм. 17.05 ТелеЭКО. 17.35 Ер-Она маскани. миз. 17.40 Мультфильм. 18.00 Время. 18.30 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 19.15 Шеърият лаҳзалари. 19.20 «Лабирантга кириш». Бадиий фильм 4-серия. 20.30 Время. 21.00 Балет кечаси. 20.45 ТСН.

МТ-II. 8.00 Гимнастика. 8.15 Илмий-оммабоп фильм. 8.35 ва 9.35 Биология. 9.05 ва 10.05 Испан тили. 10.35 Адабиёт. 11.05 Сиз яратган бог. 12.05 Ҳужжатли фильм. 16.30 Концерт. 17.25 Коллаж. 17.30 Ритмик гимнастика. 18.00 Время. 18.30 Парнас сари бир босқич. 18.45 Юзма-юз мулоқот. 19.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.45 Концерт. 20.15 Вертикаль. 21.00. «Довул кутилмаганда бошланади». Бадиий фильм.

4 МАЙ, ЖУМА

УзТВ-I. 11.30 Математика. 12.00 Фильм-концерт. 12.30 Биология. 13.00 «У ёлғиз эмас эди». Бадиий фильм. 17.35 Янгиликлар. 17.40 Рус тили дарси. 18.10 Мультфильмлар. 18.30 Китоб ва ҳаёт. 19.00 Чорвадор 19.30 Ахборот. 19.45 Халқ ижодиёти. 20.15 Одобнома. 20.30 Время. 21.00 ва 22.20 Иқтисодимиз муаммолари. 22.00 Ахборот. 22.50 Муқимий номли Ўзбек Давлат мусиқий театрининг 50 йиллигига бағишланган юбилей кечаси.

УзТВ-II. 18.00 «Савоянинг ўғирланиши». Бадиий фильм 19.30 «Тошкент» студияси кўрсатади. **Фрунзе.** 20.35 Время. 21.00 Иссиқкўлни муҳофаза қиламиз. 21.30 «Маршал Жуков».

МТ-I. 6.00 «120 минут». 8.05 Кимки қўшиқ билан бўлса. 8.30 Мультфильмлар. 9.05 Чашмалар. 9.35 Болалар соати. 10.35 ВССРнинг мусиқий фольклори. 11.15 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 12.00 Время. 12.40 «Қарчиғай нобуд бўладими?» 13.10 Дўстлар даврасида. 14.00 Мультфильм. 15.15 Кўргазмадан манзаралар. 15.45 Ҳужжатли фильмлар. 16.35 Мультфильм 17.05 Халқ куйлари. 17.15 Фалсафий суҳбатлар. 18.00 Время. 18.30 Тараққиёт. Ахборот. Реклама. 19.00 Концерт. 19.20 «Лабиринтга кириш». Бадиий фильм, 5-серия. 20.30 Время. 21.00 Коллаж. 21.05 Долзарб интервью. 21.15 Бу бўлган... бўлганди... 21.45 «Нигоҳ». 23.15 ТСН.

МТ-II. 8.15 Илмий-оммабоп фильм. 8.35 ва 9.35 Музиқа. 9.05 ва 10.05 Инглиз тили. 10.35 «Чин инсон ҳақида қисса». 11.05 ТелеЭКО. 12.05 Испан коридаси. 16.30 Концерт. 17.00 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 17.40 Мультфильм. 17.55 Коллаж. 18.00 Время. 18.30 Музиқий абонемент. 19.30 Хайрли тун, кичкинтойлар 19.45 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 20.30 Концерт. 21.00 Спорт ҳамма учун. 21.15 «Аккаттоне» Бадиий фильм.

5 МАЙ, ШАНБА

УзТВ-I. 9.00 «Ассалому алайкум». 10.00 Ҳужжатли экран. 11.00 «Омон бўлсанг унутма». Спектакль, 1-қисм. 11.55 Очиқ мулоқот. 12.55 Нафосат гулшанида. 13.30 «Шаҳризоднинг янги эртаклари». Бадиий фильм. 2-серия. 14.45 Оролбўйи муаммолари. 18.00 Мультфильм. 18.10 Тенгдошлар. 18.55 Телефильм. 19.30 Ахборот. 19.45 Ўзбек тилини ўрганамиз. 20.15 Оқшом эртаклари. 20.30 Время 21.00 Ҳаёт . билан ҳамнафас 22.00 Ҳафтанома. 22.40 «Москва кўз ёшларга ишонмайди». Бадиий фильм. 1-серия.

УзТВ-II Душанбе. 9.00 Ритмик гимнастика. 9.15 Адабий-мусиқий кўрсатув. 10.05 «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси». Бадиий фильм. 11 ва 12 сериялар. 12.20 Фильм-концерт. 17.50 Мультфильмлар. 18.10 Светофор. 18.50 Дар ойнам андешаҳо. 19.30 Новости. 19.50 Телевизион новелла. 20.30 Время. 21.00 Сеҳри сухан. 22.00 Ахбор. 22.20 «Лўли қиз Аза». Бадиий фильм.

МТ-I. 6.00 «120 минут». 8.00 Концерт. 8.30 Сиз яратган бог. 9.00 Навбат сизга артистлар. 9.25 Шеърият лаҳзалари. 9.30 Ҳайвонот оламида. 10.30 Спектор. 11.00 Ғалабанинг 45 йиллигига. 13.00 Россия суверенитети. 4-кўрсатув. 14.00 Болалар учун фильм. 15.05 Мультфильмлар. 15.30 Советлар: ҳокимиятга эришилмоқда. 16.00 Совет қўшиқлари фестивали. 18.00 Халқаро панорама. 18.45 «Нки умр». Бадиий фильм. 1-серия. 20.30 Время. 21.00 Долзарб интервью. 21.10 «Икки умр». Бадиий фильм, 2-серия. 22.40 Хайрия концерти. 00.40 ТСН.

МТ-II. 7.30 Гимнастика. 7.45 Концерт. 8.05 Ҳужжатли фильм. 8.30 «Серафим Полубе. ҳамда ерлик аҳли». Бадиий фильм 10.00 Иттифоқдош жумҳуриятлар кинопублицистикаси. 10.15 «Кўпликлар». Спектакль. 12.25 «Рассом». 12.55 Коллаж. 13.00 Совет Росс